

385

Үттіз учинчى йил чиқиши
Сафар 1440х – Октябр 2018м



Кенг күламли,
фикрий, сақофий журнал

Ал-Вағі

Ал-Вағій сұзы

Мабдада сбит турыш



15
Үн түккизинчи ва
йигирманчиасрлар-
даги Farb мұфак-
кирларининг
күч сиёсати
стратегиясы

24
Дүнәга хұмкрон
бүлгап ҳар бир
уммат фанога
юз түтди, Ислом
уммати эса,
харгиз
завол топмас

32
Эрдоган ва
ИШИДандо-
засидаги
Ислом

56
Үйғониш
йўлидаги
машъ-
алалар

«Исройл» Асаднинг Жўлонга қайтиши хавфсиз-
лигимизнинг қайтишидир, дея хурсанд бўлмоқда



385

Ўттиз учинчи
Йил чиқиши
Сафар 1440ҳ
Октябр 2018м

Ливан 1000 лира
Яман 30 риёл
Туркия 1 доллар
Покистон 1 доллар
Австралия 2,5 доллар
Америка 2,5 доллар
Канада 2,5 доллар
Германия 2,5 евро
Швеция 15 крон
Бельгия 1 евро
Британия 1 евро
Швейцария 2 франк
Австрия 1 евро
Дания 15 крон

Чибдү сонга

- **Ал-Ваъй сўзи:** Мабдада событ туриш... 3
- Ўн тўқизинч ва йигирманчи асрлардаги Гарб муфаккирларининг куч сиёсати стратегияси
Оlamни куч билан бошқариш (2) 15
- Дунёга хукмрон бўлган ҳар бир уммат фанога юз тутди, Ислом Уммати эса, ҳаргиз завол топмас 24
- Бузук режимларнинг мусулмонларни адаштириш ва йўлдан уриш учун кўлладиган чалғитувчи программалари.... 32
- Барча мусулмон уламолари: Оҳод ҳадис ақидани ифодаламайди (2) 43
- Уйғониш йўлидаги машъалалар 56
- **Олам мусулмонлари хабарлари** 62
- **Қуръони Карим сұхбатида** 68
- **Жаннат боғлари:** Раббоний уламоларнинг ҳукмдорлар қаршисидаги позицияси ҳамда ёвуз позицияни эгаллашдан ҳукмдорларни огоҳ этишлари 74
- **Уларнинг ҳидоятларига эргашинг:**
Абдуллоҳ ибн Умму Мактум 78
- **Сўнгги сўз:** «Исройл» Асаднинг Жўлонга қайтиши хавфсизлигимизнинг қайтишидир, дея хурсанд бўлмоқда..... 83
- Франциядаги мактабларда араб тили дарслиги ўқитилиши ортида нима ётибди?! 84

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

МАБДАДА СОБИТ ТУРИШ

Абдулкарим Абу Мусъаб

1924 йили Ислом давлатининг қулаши Умматга қақшатқич зарба бўлди. Натижада, Ислом маҳаллий ва халқаро кураш майдонидан чиқди, халқаро саҳнадан четлатилди. Мусулмонлар Гарбнинг тиз чўктиришга уринишлари қархисида бир синов майдонига айланиб қолдилар. Маълумки, Гарб буни динни давлатдан ажратиш номи остида амалга оширишмоқчи бўляпти. Мусулмон юртларида бошқарув шакли турли хил бўлса-да, бироқ барчаси капиталистик мабда-система асосида бошқарилмоқда. Ҳатто бутун дунё капитализм асосида бошқарилмоқда, деса ҳам бўлаверади.

Бугун капитализм бутун ҳаётимизга таъсир қилди. Атрофимиздаги деярли ҳар бир нарсада уни кўриш мумкин. У бизнинг товарлар, ишлар, маҳсулотлар... каби нафақат моддий нарсаларимизга, балки фикрларимиз, тушунчаларимиз ва қабул қилган қадриятларимизга ҳам дахл қилди, ундан фақат Роббим раҳим қилган нарсаларимизгина омон қолди, холос.

Ҳа, динни ҳаётдан ажратиш мағкурасининг бугунги кунда ҳаётга жуда катта таъсири бўлди. Унинг башариятга энг кўп хатар туғдирувчи маҳсули капитализмдир. Чунки капитализм инсоннинг ақлига ҳам, табиатига ҳам зид бўлиб, ахлоқий қадрият ваadolатга батамом ёт нарсадир. Оммавий ахборот воситалари капитализмни ҳарчанд чиройли қилиб, безаб кўрсатмасин, унинг айби ва бузуқлиги яққол кўриниб туради. Шунинг учун бу мабда асосчилари унинг илдизидан емирилиб бораётганини айтишмоқда.

Бу мабдага дикқат билан назар солсак, ҳаётга бўлган кўз қарashi манфаатни қўлга киритиш йўлидаги курашга асосланганига гувоҳ бўламиз. Шунингдек, ишлаб чиқаришни доим ва узлуксиз равишда кенгайтириш унинг мақсадларидан бири эканини, бу кенгайтиришни истеъмолдан устун

кўйишганини кўрамиз. Шунинг учун капиталистик давлатлар истеъмолчи давлатлар устидан назорат ўрнатишида бир-бiri билан курашмасдан туролмайди. Бу нарса бизнинг мана шундай ахволга тушишимизга олиб келди. Зотан, ушбу давлатлар учун энг муҳим қадрият фойдани қўлга киритишидир. Улар шу қадрият билан барча ахлоқий нормаларни ва фазилатларни йўқ қилиб, уларни такаббурликка, ваҳшийликка асосланган бошқа қадриятларга алмаштиришди. Оқибатда сирти ёлғонга тўла «халқаро рақобат ва кураш» вужудга келиб, тенгсизлик, эксплуатация авж олди, қулдорлик қайтиб келди, фақат ўтмишдаги қулдорликдан шакли фарқ қиласди, холос. Инсоният тарихига нисбатан бу манфур капитализм тарихи қисқа бўлишига қармай, афсуски, жиноятчи капиталистлар уни одамларга эргашиладиган намуна қилиб зўрлаб ўтказишга, турган битгани ёлғон сохта фаровонликнинг ягона ҳақиқий мисоли қилиб кўрсатишга муваффақ бўлишди. Минг афсуски, капиталистга айланган кимса очкўзлик, ўзини яхши кўриш, бирорларни ўлдириш ва орзу-умидларни синдиришдан бошқа нарсани билмайди. Ҳа, Аллоҳ Таолонинг ушбу каломи улар ва уларга эргашганларга нақадар ҳақ мисол бўлади:

﴿وَمَنْ أَعْرَضَ عَنِ ذِكْرِي فَإِنَّ لَهُ مَعِيشَةً ضَنْكاً وَخَسْرُهُ يَوْمَ الْقِيَمَةِ أَعْمَىٰ ﴾ قَالَ رَبُّ لِمَ حَشَرْتَنِي أَعْمَىٰ وَقَدْ كُنْتُ بَصِيرًا ﴾ قَالَ كَذَلِكَ أَتَتْكَ إِيمَانُنَا فَتَسْبِيَتَاهَا وَكَذَلِكَ الْيَوْمَ تُسْسَى﴾

«Ким Менинг эслатмамдан юз ўгирса, бас, албатта унинг учун танг-баҳтсиз ҳаёт бўлур ва Биз уни қиёмат кунида кўр ҳолда тирилтирурмиз». У: «Роббим, нега мени кўр қилиб тирилтирединг, ахир кўрар эдим-ку», деган эди. (Аллоҳ унга) «(Ҳа) шундай, сенга Бизнинг оят-мўъжизаларимиз келганида уларни унумтдинг, бугун сен ҳам ана шундай «унумтилурсан», деди» [Тоҳа 124-126]

Капитализм динни ҳаётдан ажратиш асосига қурилган ўзининг ақидаси ва бутун башариятга чанг солаётган тузуми ёрдамида ҳамда барча ҳарбий ва иқтисодий имкониятлари орқали ҳаётнинг ҳар бир соҳасини ўз назорати остига олишга уринмоқда. Демак, бундай системадан зарар кўрганлар ўзларини ўзлари ҳимоя қилишга ва бу балодан қутулишга уринишлари табиий. Бу эса, барча нарсага ҳужум қилиб, чанг солаётган капитализмдан ўзини ҳимоя қилаётган кишилардан

унга қарши фикрий курашни талаб қиласди. Шунинг учун ўзини химоя қилаётган кишилар аввало капитализмнинг мустамлака қилиш тўғрисидаги фикрларини рад этишлари лозим. Энг асосийси эса, қўлларидағи мухолиф альтернатив адолатсиз золим мабдага ҳам, бошқа бирор унга ўхшаш нарсага ҳам мансуб бўлмаслиги керак. Шунингдек, манфаатлар учрашиши, даражама-даражада таклифлар каби ялтироқ нарсаларга асосланмаслиги, ўртача ечимга рози бўлмаслиги керак. Агар шундай қилмасалар курашда капитализм ғалаба қозонади. Демак, бир вақтнинг ўзида, жамиятни ўзгартириш масаласида воқени ҳис қилмаган ҳолда, афлотунча фикрлаш ва унга маҳлиё бўлишдан сақланиш, балки, фикр ва лойиҳани капиталистик мабдадан бутунлай тескари нарсага асосламоқ даркор. Шу билан бирга, нафақат Умматнинг барча муаммолари, балки бутун дунё аҳолиси қийналаётган муаммоларнинг ечими бўлиши шарт. Акс ҳолда, касалликни келтириб чиқараётган иллатни даво сифатида истеъмол қилинган бўлади.

Бугунги кунда дунёни бошқараётган мабда капитализмдир. Лекин ҳаётнинг ҳар бир соҳасида тубдан ўзгариш ясовчи бирдан-бир альтернатив Ислом эканига воқенинг ўзи далолат қилмоқда. Зоро, Исломнинг раббоний манҳажи ва тарихи унинг башариятга эзгулик, ҳақ ва раҳмат улашганини кўрсатиб турибди. Капитализм ҳаётнинг ҳар бир соҳасида татбиқ қилиб келган ҳукмлар зулм, эксплуатация ва бузғунчиликни келтириб чиқарди. Бунинг акси ўлароқ, Ислом ҳукмлари эса, яхшиликка даъват қилиб,adolat улашади ҳамда фазилатларни келтириб чиқаради... Шундай қилиб, кимда-ким Ислом даъватини ҳақрост етказаётган бўлса, бас, Исломни мабда-система сифатида етказсин. Шундай етказсинки, ҳақ билан ноҳақлик, яхшилик билан ёмонлик ўртаси бутунлай-кескин суратда ажралсин, ўртача ҳолда ажралмасин. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَذِكْرُهُ اللَّهُ رَبُّ الْحَقِّ فَمَاذَا بَعْدَ الْحَقِّ إِلَّا الْأَضَالُلُ فَإِنَّمَا تُصَرِّفُونَ﴾

«Бас, мана шу Аллоҳ, (сизнинг) ҳақ Роббингиздир. Ҳақдан кейин эса, фақатгина залолат бор, холос, бас, қай тарафга бурилиб кетмоқдасизлар?!» [Юнус 32]

Ха, Исломни оламга етказиш истагида бўлган кишилар Исломни капитализм билан қоришмайдиган ҳазорий альтернатив сифатида қабул қилишлари лозим. Энг аввало,

Исломни мабда сифатида кўтариб чиқишлари ҳамда фаолиятларини биринчи навбатда Исломнинг ўзига хос давлати бўлишига қаратишлари керак. Биз Ислом мабда-системадир, дер эканмиз, ушбу мабдани тиклаш учун зарур бўладиган омилларнинг энг биринчиси, унинг давлатини барпо қилиш эканини таъкидлаймиз. Бу давлат капиталистик мабдадаги давлатдан том маънода ва мутлақо фарқ қиласди. Бу Ислом давлати бўлиб, барпо бўлган пайтда унинг қаршисида хеч нарса дош беролмайди. Чунки унинг қўлида уни доим ғолиб этувчи моддий-рухий-маънавий қудрати бўлади... Уни енгиб бўлмайди, негаки унинг самимий фикри ва ҳаётнинг барча соҳасидаги муаммолари учун соғлом ечими бўлади. У фазилат улашиб, адолат ила бошқарди, бузгунчилик ва очкўзлик, деган иллатлардан мутлақо йироқ бўлади.

Бу – капиталистик Фарб билан Ислом ўртасидаги ҳазорий курашдир. Фарб унинг мазмун-моҳиятини онгли равища жуда яхши билади. Бироқ у қадамини тўғрилаш, мустамлакачилик ва бузғунчилик йўлидан қайтиш ўрнига, шу аҳволга баттар ботяпти, Исломга қарши макр қилишда давом этмоқда... У шунингдек, уйғониш калити бўлгани учун Ислом давлатини туғилмасидан туриб бўғизлашга уриняпти... Фарб ҳақиқий Исломий Халифалик давлатини ва уни барпо этиш лойиҳасини бузиб кўрсатиш учун баъзи башараларнинг майдонга чиқишига рухсат беряпти. Фарб бу башараларга террорист жиноятчи кўринишида намоён бўлишга рухсат берганидан сўнг ва уларнинг жанговар мағлубияти яқинлашгач, энди, исломий харакатларга фикрий жиҳатдан хужум ва босимлар қилиб, уларнинг Исломни мабда сифатида етказишдан узок бўлишларини, Исломни Фарб тариқати бўйича тушунишларини истаяпти. Шу нуқтаи назардан, биз Фарбнинг турли исломий «шахслар»ни майдонга чиқараётганига, турли исломий харакатларни атрофига тўплаб, ўзига эргаштириб, қўлларига ўзи истаган лойиҳани тутқазаётганига гувоҳ бўляпмиз.

Биз сўз юритаётган кураш мустаҳкам Ислом мабдасининг мавжудлигига бориб тақалади. Ҳақиқатдан ҳам, макр, алдов ва жинояткорликларга қарамай, Ислом мабдаси собит қолди. Ғалаба ва мағлубият эса, мабданинг тўғри ёки нотўғрилигига боғлиқ эмас. Балки мабда аҳлининг Ислом талаб қилган буйруқларни бажаришларига боғлиқдир.

Ғарб мусулмонлар ҳаётида ва уларнинг зеҳниятида бўлинишни пайдо қилганлиги сабабли Ислом давлатини ағдаришга, бинобарин, Исломни ҳаёт саҳнасидан узоқлаштиришга муваффақ бўлди. Шунинг учун Исломни ҳаёт майдонига қайта олиб келиш ва исломий ҳаётни қайта бошлаш ўзгартириш учун бўлган фаолиятнинг илк дамиданоқ Исломни руҳий, сиёсий ақида сифатида қабул қилиш билан бўлади. Чунки бу ақида мусулмонлар ва исломий жамоаларнинг ҳамда давлатнинг амалларини ҳаракатлантириб, уларга ҳаёт ҳақидаги нуқтаи назарни белгилаб беради, амаллар ўлчовини ҳалол-ҳаром ва тоат-маъсиятга чеклайди. Зоро, Ғарбнинг муваффакияти мабдада эмас. Балки, унинг мабдаси энг бузук мабдадир. Мусулмонлар мағлубияти мабда мағлубияти эмас. Балки, улар мабдани Аллоҳ истаганидек етказмаганлари учун мағлубиятга учрадилар.

Демак, ушбу Ислом мабдани тўғри етказаётган кишилар учун биринчи вазифа капиталистик мабдага зинҳор-базинҳор мансуб бўлмаслиkdir.

Ислом Умматини тубан воқеликдан Аллоҳ Таоло рози бўлган улуғ воқеликка олиб чиқиш вазифаси айнан мана шундай кишилар зиммасидадир. Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿كُنْتُمْ خَيْرَ أُمَّةٍ أَخْرِجْتَ لِلنَّاسِ تَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَنَهَيْتُمْ عَنِ الْمُنْكَرِ وَتُؤْمِنُونَ بِإِلَهٖكُمْ وَلَوْءَاءِمَّنْ أَهْلُ الْكِتَابِ لَكَانَ خَيْرًا لَّهُمْ مِنْهُمُ الْمُؤْمِنُونَ وَأَكْثَرُهُمُ الْفَسَقُونَ﴾
 «(Эй Уммати Мұхаммад), одамлар учун чиқарилган умматларнинг энг яхиси бўлдингиз. Зоро сиз маъруфга буюриб, мункардан қайтарасиз ва Аллоҳга имон келтирасиз. Агар аҳли китоб ҳам имон келтирганда эди, ўзлари учун яхши бўларди. Улардан мўминлари ҳам бор ва (лекин) уларнинг кўплари итоатсиз кимсалардир» [Оли Имрон 110]

Судди айтади: Умар ибн Хаттоб ушбу оят ҳақида бундай деди: Агар Аллоҳ истаса انتم дер эди ва барчамизга қаратада айтилган бўларди. Аммо бундай демай, қнитм деди. Яъни, сиз Росууллоҳ ﷺнинг хос асҳобларидан ва улар қилган ишларни қиласиганлардан бўлдингиз, деди. Чунки улар маъруфга буюриб, мункардан қайтарадиган ва инсонлар учун чиқарилган энг яхши Уммат бўлдилар.

Капитализм фикрлари билан суғорилган ҳамда Ғарб томонидан «мўътадил», дея номланган исломий шахс ва

ҳаракатлар билан мабдага асосланган исломий ҳаракатлар ўртасида фарқ бор. Фарқ шундаки, мўътадил исломий ҳаракатлар Ғарбга эргашиш ва унинг этагидан ушлашни ўзларига муносиб кўрган бўлиб, хиёнат ва малайлик ботқоғига ботишган. Улар Ғарб қай кўчага юрса, ўша кўчадан юради ва алалоқибат энг ёмон оқибатни қўлга киритадилар. Аммо мабдани ушлаган исломий ҳаракатлар эса, Ғарб уларга хукмрон бўла олмайди. Чунки уларнинг кучи мабдага риоя қилишлари дадир, уларнинг тириклиги эса, Ғарбнинг жиноятларини фош этиб, мабдасининг сохта ва ботиллигини, мўътадил исломчилар унинг малайлари эканлигини очиб ташлаётгани дадир.

Масалага айни нуқтаи назардан қараган киши шунга гувоҳ бўладики, бу икки ҳаракат ўзгартириш ишида бутунлай бошқа бошқа кўчадан юради ва асло учрашмайди. Ғарб бу мўътадил ҳаракат ва шахсларни Исломни тўғри тушунаётганлар қилиб кўрсатяпти ҳамда ўзининг ва лойихасининг тарафдорлари шулар эканини аддао қиляпти. Мабдага асосланган ҳаракатларни мана шу мўътадиллар ёрдамида экстремистик, террористик, фундаменталистик ҳаракат, дея сифатлайти.

Биз исломий сиёсий фаолият олиб бораётган ҳаракатлар воқеинга назар соладиган бўлсак, улар ичида мўътадил исломий ҳаракатлар жуда кўплигини кўрамиз. Бироқ мабдага асосланган исломий ҳаракат фақат битталигини, у олим мужтаҳид шайх Тақийюддин Набаҳоний таъсис этган Ҳизб ут-Тахрир ҳаракати эканига гувоҳ бўламиз. Дарҳақиқат, ушбу Ҳизб Исломни мабдаи тарзда тубдан илфор равишда тушунди, Уммат воқеини ҳамда унинг жон томирига Ғарб томонидан заҳар юборилганини англади. Сўнг Росулуллоҳ нинг ўзгартиришда тутган тариқатларини ўзига намуна қилиб олди, ўз фаолияти билан боғлиқ аҳкомларни истинбот қилишда шаръий ижтиҳод йўлига таянди. Ҳизб ўз мақсадини мусулмонларда уйғонишни пайдо қилишга қаратди. Зотан, бу уйғонишнинг энг эътиборли томони унинг кенгайиб, бутун оламга ёйилишидир. Қисқа қилиб айтганда, Ҳизб Пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифалик давлатини барпо этиш учун фаолият олиб бормоқда. Зоро, Исломга даъват қилиш орқали амалга ошириш мумкин бўлган энг яхши мақсад рошид Халифаликни қайтариш мақсади бўлиб, Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али лар халифалиги каби

халифаликни олиб келади. Зотан, Росууллоҳ ﷺ бир ҳадисларида уни

«عَصُوا عَلَيْهَا بِالْتَّوَاجِدِ»

«Оғиз тишларингиз билан маҳкам тишланг», деган бўлсалар, яна бир ҳадисларида

«ئِنْ تَكُونُ خَلَفَةً رَاشِدَةً»

«Кейин рошид Халифалик бўлади», дея у ҳақда башорат қилдилар.

Росууллоҳ ﷺнинг башоратлари ҳақ, унга қалбимиз тўридан ишонамиз, уни амалга оширишга бутун жону танимиз билан ҳаракат қиласиз. Ваъдасига ҳаргиз хилоф қилмайдиган Роббимизга ва Унинг ваъдасига қалбимиздан имон келтирганмиз. Зоро, Аллоҳнинг ваъдаси ва Росулининг башорати мўътадил исломий ҳаракатлар лойиҳасининг омадсизликка маҳкумлигини, лойиха ҳам, унинг эгалари ҳам беҳуда зое кетишлирини англатмоқда.

Ҳизб ут-Тахрир ўз олдига исломий ҳаётни қайта бошлашни мақсад қилиб олди. Ҳизб бу дунёю охират учун яхшилик бўлган раббоний мусаффо манҳажни ҳукмрон қилиш учун Росууллоҳ ﷺнинг йўлларига эргашди. У мабдада событ туриб, ҳеч кимга хушомад ва ялтоқлик қилмай, фақат Парвардигор раҳматидан умид қилиб, Ундангина нусрат кутган ҳолда, Росууллоҳ ﷺнинг йўлидан қилча ҳам четга чиқмай, ҳаракат қилмоқда. Ҳизб аъзолари тўла қаноатланган ҳолда ҳамда Аллоҳ Ўзига ёрдам берган бандасига албатта нусрат-ёрдам беришига қалблари тўридан имон келтириб, фаолият қилмоқдалар... Зоро, йўл ҳар қанча машаққатли бўлиб, умидлар узилса-да, Аллоҳнинг арқони узун ташлангандир. Ҳақ устида событ турган кишилар олдида Унинг йўли ҳаргиз узилмайди, нусрати албатта келади. Лекин у осонгина кафтга келиб тушадиган нарса эмас. Балки, унга етишиш йўлида синовлар келади, қалбларда нималар бору дилларда нималар яширинганлиги имтихон қилинади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنْ حَسِبْتُمْ أَنْ تَدْخُلُوا الْجَنَّةَ وَلَمَّا يَأْتِكُمْ مَثُلُّ الَّذِينَ حَلَوْا مِنْ قَبْلِكُمْ مَسَّهُمُ الْبَأْسَاءُ﴾

﴿وَالظَّرَاءُ وَزُلْزِلُوا حَتَّىٰ يَقُولُ الرَّسُولُ وَالَّذِينَ ءَامَنُوا مَعْهُ مَنِ نَصَرَ اللَّهَ إِلَّا إِنَّ نَصَرَ اللَّهَ قَرِيبٌ﴾

«Ёки (эй мўминлар), сизлардан илгари ўтган зотлар ибрати сизларга келмай туриб жаннатга кишини ўйладингизми? Уларга бало ва мусибатлар (устма-уст) келиб, шундай ларзага тушган эдиларки, ҳатто пайгамбар ва мўминлар: «Ахир қачон Аллоҳнинг ёрдами келади?» дейишган эди. (Шунда) уларга бундай жавоб бўлган эди: «Огоҳ бўлингизким, Аллоҳнинг нусрат-ёрдами яқиндир» [Бақара 214]

Кундан-кунга юзлардаги ниқоблар тушмоқда. Исломий шахс ва ҳаракатлардан қай бири набавий имон билан куролланмаган бўлса, биз уларнинг башарасига гувоҳ бўляпмиз. Зеро, улар ўз йўлларини ўзгартириб, турли рангларга киришяпти, воқега таслим бўлиб, унинг бир қисмига айланишяпти... Кейин эса, ундейларга «мўътадил», деган тамға уриляпти... Исломнинг биринчи рақамли душмани бўлган Фарб осонгина уларга вазифаларини белгилаб бериб, Аллоҳнинг ҳақ дини-Исломга қарши курашда ўшалардан фойдаланяпти.

Шубҳасиз, бундай мўътадил исломий шахс ва ҳаракатлар Ислом учун унинг очиқ душманидан кўра хатарлироқdir. Чунки улар ўз динлари тўғрисида Фарб нима деса, ўшани тасдиқлашмоқда... Яъни уларнинг Ислом башариятни кутқаришга яроқли дин эмас, динни ҳаётдан ажратиш асосида курилган кофир капитализмгина ягона ҳақдир, ҳазоратлар курашида капитализм ғалаба қозонади, деган сўзларига ишонишяпти.

Ҳа, ҳамманинг асл башараси фош бўлгандан сўнг, бугунги кунда майдонда фақат Ҳизб ут-Тахrir қолди. Унинг мабда билан чегараланган йигитлари фикр ва тариқатларини заррача ўзгартирмай, ҳеч кимга хушомад ва ялтоқлик қилмай, маломатчиларнинг маломатларига парво қилмай, даъват мashaққатларини елкаларида ортиб бормоқдалар. Чунки Ҳизбнинг ҳар бир аъзоси мабда фикрларига имон келтириб, унга мойил бўлдилар, шу фикрларга қоришдилар... Натижада, Ҳизб фикрлари уларни назорат қиласиган, йўлларини чегаралаб турдиган бўлди, мабда уларнинг танларига сингиб, барчалари даъват кишиси бўлибгина қолмай, балки давлат арбобларига айландилар.

Дарҳақиқат, Ҳизб кўзланган ўзгартириш йўлида лозим бўлган кўплаб ишларни, Аллоҳнинг фазлу марҳамати ила, адo этмоқда. Жумладан:

- Фақат Ислом мабдаси билан боғлиқ ишлари;
- Ўзгартириш керак бўлган воқе билан боғлиқ ишлари;
- Капиталистик мабда билан боғлиқ ишлари.

Фақат Ислом мабдай билан боғлиқ ишлари

– Булар жуда кўп бўлиб, улардан бальзиларини мисол тариқасида келтириб ўтамиз: Ҳизб Уммат муаммоларини кўрсатиб бериб, барчасини ҳал этган дастурни ишлаб чиқди. У Ислом ақидасини давлат қабул қиласиган асосий қоидага айлантириди. Дастур моддалари Аллоҳ Азза ва Жалланинг Китоби, Росули ﷺ Суннатидан, шунингдек, сахобалар ижмои ва ижтиход асосидаги ягона Ислом тариқатидан олинган шаръий қиёсдан олинди. Истаган киши ушбу дастурни Ҳизбнинг сайтларидан топиши мумкин.

– Мабда асосида даъватни етказишнинг маъно-мазмунини яхши тушунадиган аъзоларни етиштириди. Улар Ҳизб ғояси, яъни, исломий ҳаётни қайта бошлишни рӯёбга чиқариш йўлида жонларию молларини сарфладилар ва ҳамон сарфламоқдалар. Исломни қандай қилиб фикрат ва тариқат асосида етказилишини онгли равишда тушунадилар. Уларнинг дунёқарашлари капиталистик дунёқараш асосида шаклланмаган. Балки барча амаллари Аллоҳнинг ризосига эришиш мақсадига қаратилган. Уларнинг Аллоҳ калимасини олий қилишдан ўзга дунёвий истаклари йўқ. Шунинг учун на капитализм, на унинг тузуми, на ҳукмдорлари, на малай ва на агентлари Ҳизб аъзоларини назорат қила олмайди. АҚШнинг «Heritage Foundation» ташкилоти 2003 йилда Ҳизб аъзоларини «Ҳизб ут-Тахрир АҚШ манфаатларига қарши пайдо бўлган хавфдир», дея сифатлаган.

– Ҳизб ўз аъзолари ўртасини Ислом робитаси билан боғлади, тубан алоқаларнинг барчасини рад этди. Шунинг учун уларни битта тана, битта фикр, битта раъй сифатида кўрасиз. Зотан, сахобаи киромлар ҳам Исломни маҳкам ушлашда шундай бўлганлар.

– Ҳизб ут-Тахрир ўз тариқатини мафкураси асосига қурди ва Ислом давлатини қандай барпо этиш борасида Пайгамбар ﷺ тариқатларини маҳкам ушлади. У воқега тўғри келмайди, деган айбловларга учради. Бироқ у бундай айбловлар қаршисида ҳеч қандай ён босмай, воқени ўзининг фикрлаш манбаига айлантиrmади, балки ёлғиз шариатнигина фикрлаш

манбаи қилиб, бунда қаттиқ турди. Ҳизб Умматга насиҳат қилди ва ўз принципига қаттиқ амал қилган ҳолда ҳамда Аллоҳ Азза ва Жалла албатта нусрат ва ғалаба беради, дея ишониб, ҳамон насиҳат қилишда давом этмоқда. Аллоҳ Таолонинг ушбу каломига асосан, ютуқни Аллоҳнинг даргоҳидан умид қилмоқда:

﴿وَلَتُكُنْ مِنْكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْخَيْرِ وَيَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَا عَنِ الْمُنْكَرِ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ﴾

«Орангиздан яхшиликка (исломга) даъват қиладиган, маъруфга буюриб, мункардан қайтарадиган бир жамоат бўлсин. Ана ўшалар најсот топгувчилардир» [Оли Имрон 110]

Ҳизб Аллоҳ Таолонинг ушбу каломига асосан, нусратни Аллоҳнинг даргоҳидан умид қилмоқда:

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ إِيمَنُوا إِنْ تَنْصُرُوا اللَّهَ يَنْصُرُكُمْ وَيُثْبِتُ أَقْدَامَكُمْ﴾

«Эй мўминлар, агар сизлар Аллоҳга ёрдам берсангизлар У ҳам сизларга нусрат-ёрдам берур ва жанг майдонида қадамларингизни собит-барқарор қилур» [Муҳаммад 7]

Ўзgartириш керак бўлган воқе билан боғлиқ ишлари:

– Ҳизб асосий эътиборни Умматга қаратди ва унга қарши тўқилаётган барча режаларни фош қилди. Умматни доим ва тўхтовсиз равишда тўғри йўналишга йўллади, Ислом мабдаига зид келмайдиган ҳар қандай қулай воситадан фойдаланган ҳолда куфрга қарши курашди.

– Умматни ўзининг лойихасига қаноатлантириш учун керакли соғ, пок исломий сақофат ишлаб чиқди ҳамда Ислом мабдаси-системаси мусулмонларга қандай яхшилик келтиргани ю, капиталистик система оламга қандай ёвузлик келтирганини баён қилишга қаттиқ харакат қилди.

– Ҳизб Умматга – мудом ақида саломат экан – битта Уммат, деган эътиборда каради, Умматга озор берадиган ва уни ҳукмдорларнинг зулм машинаси остига ташлайдиган бирор нарсага Умматни аралаштиrmади, балки қурбон ўзи ва аъзолари бўлиши билан кифояланди. Бугун Ҳизб ут-Таҳrir Умматни омонлик қирғоғига – Аллоҳнинг изни ила – тез орада олиб чиқиш учун тайёр турибди. Зеро, биз эзгулик етказувчиларимиз ва ўзимизни Росулуллоҳ нинг тариқати асосида тайёрладик.

Капиталистик мабда билан боғлиқ ишлари:

Хизб ут-Тахрир очкўз капиталистик мабдага заррача бўлса ҳам мансуб бўлмагани учун Аллоҳга беадад ҳамд айтади ҳамда буни ўз аъзолари кўксидаги ҳурмат белгиси, деб баҳолайди. Бильякс, Хизб капитализмга мансуб бўлиш у ёқда турсин, ҳатто ундан бутунлай қўлини ювиб, уни ўзининг дунёдаги биринчи ракамли душманим, деб билади. Хизб капиталистик Farb ва унинг малайларининг аёвсиз қаршиликларига, энг камида, обрўсизлантиришга уринишлари, қамоққа олиш, қувғин қилиш ва қийноққа солишларига дуч келган бўлса-да, бироқ буларнинг бирортаси унинг тириклигига зиён етказолмади, обрўсизлантиrolмади, ҳаракатдан тўхтатолмади... Йўқ-йўқ, аксинча, Аллоҳнинг фазли ва қўллови билан, Хизб ўзининг Халифаликни барпо этиш мақсадини Умматнинг мақсадига айлантиришни уддасидан чиқди. Дарҳақиқат, Farbнинг бошқа мўътадил исломий шахс ва ҳаракатлар қўли билан тақдим этаётган адаштирувчи таклифлари олдида Халифаликни барпо этиш вариантини Уммат ўзига мақсад сифатида танлаб олди ва бу ҳақда очиқ тасаввурга эга бўлди. Фақат атрофга Америка етовидаги Farbнинг кўзойнаги билан қараётган баъзи бир кимсаларгина бундан мустасно.

Америка Исломни ёмонотлиқ қилиш қўлидан келмай, курашни ўз фойдасига ҳал қилолмай, барча қилган макрлари, кўйган тузоқлари ва жиноятлари фойда бермагач, мўътадил ислом, демократик ислом, фуқаровий ислом каби ўйинларни бошлади... Бошқарув ва конституцияга эга бўлган Ислом ва сиёсий Исломга қарши курашди, холис исломий ҳаракатларга террорист тамғасини босди... Бироқ шунча уринмасин, на Уммат кемасини ортга буришга ва на уни ўз мақсадидан адаштиришга қодир бўлди... Дарҳақиқат, Умматнинг мақсади режим ва хукмдорларни ағдаришdir. Яъни, режим ва хукмдорларни Farb олиб келган, деган эътиборда, Farbни ағдаришdir. Ҳатто Farb Исломга бўлган душманлигидан шу даражага етдики, бугун у илмонийликка мослаштириш учун Куръон нусусларидан олиб ташлаш ва Суннатни бекор қилиш хақида ўйляяпти. Бу ишни динни янгилаш, маърузаларни «ривожлантириш», манҳажни ўзгартириш каби дастаклар орқали амалга оширмоқчи. Бундан шаръий мақсадни кўзлаганини, динга рух бермоқчи эканини даъво қиляпти. Бироқ

бу нусусларни маҳкам ушлаш ва уларнинг маъносига чекланишга мутлақо зид, албатта.

Эй мусулмонлар!

Бугунги кундаги воқеимиз ҳам башорат, ҳам огоҳлантирувни ўз ичига олади. Иккаласи ҳам бизнинг елкамизга тушади. Уммат Исломий давлатидан ажралгандан бери кўп балоларни бошдан кечирди... Фарб уни Уммат сифатида йўқ қилиш учун тинимсиз харакат қилиб келди. Бирок барча уринишлари омадсизликка юз тутди... Албатта, бу Исломнинг буюклигидан, Умматнинг улуғлигидан ва ақидасини маҳкам ушлаганидандир. Шу боис, Фарб кофирлари уни мақсади ва матлабидан, яъни Росулуллоҳ ﷺнинг башоратларини рӯёбга чиқариш учун собит йўлидан бура олмади. Энди, бугунги воқеимиз ўз ичига олган огоҳлантирувга келсак, сиз мусулмонлар, етакчилигинизни Ислом мабдаини билмайдиган фарбпаст мўътадилларга беришингиз ва аччиқ воқеингизга таслим бўлишингиз ҳаромдир. Зиммангиздаги фарз эса, Фарбнинг барча режаларига қарши курашишдир. Кимда-ким Фарб билан Ислом ўртасидаги ҳазорат курашига чукур, ёрқин назар ташласа, Исломнинг кучли эканини, у олдинга интилаётганини, Фарбнинг эса, заиф бўлиб, ортга мойил бўлаётганини гувоҳи бўлади. Бу ҳақда сухбатимиз давомида гаплашдик.

Қайси мусулмон ушбу курашга шўнғидими, демак, мабда асосида шўмғисин, Фарбга эргашмасин. Агар унга андаккина эргашган бўлса, бу нарса нусратни кечикириб, капитализм умрини узайтиради ҳамда капитализм зулмати мусулмонларгагина эмас, бутун инсониятга кенгайишига сабаб бўлади.

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا مِنْ قَبْلِكَ رُسُلًا إِلَى قَوْمِهِمْ فَجَاءُهُمْ بِالْبَيِّنَاتِ فَأَتَتَقْمَنُوا مِنَ الَّذِينَ أَجْرَمُوا
وَكَانَ حَقًّا عَلَيْنَا نَصْرُ الْمُؤْمِنِينَ﴾

«Аниқки, Биз сиздан илгари ҳам пайгамбарларни ўз қавмларига юборганимиз. Бас улар (қавмларига) аниқ-равшан ҳужжатлар келтирганлар. Сўнг Биз жиноят қилган кимсалардан интиқом олганимиз ва имон келтирган зотларни голиб қилиш Бизнинг зиммамиздаги ҳақ бўлган» [Рум 47] □

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ ВА ЙИГИРМАНЧИ АСРЛАРДАГИ ҒАРБ МУФАКИРЛАРИНИНГ КУЧ СИЁСАТИ СТРАТЕГИЯСИ

Оламни куч билан бошқариш (3)

Абдулҳамид Абдулҳамид

Биз заифларга ўрин бермайдиган шафқатсиз капиталистик оламда яшар эканмиз, шундай бир давлатни тиклашга ҳаракат қиляпмизки, бу давлат кучли давлатлар ҳужуми қархисида мустаҳкам тура олиши, сўнг кучга тўлиб ҳудуди барча исломий юртларни қамраб олиши ва бутун оламни Ислом билан бошқариш учун кенгайиши лозим. Шунинг учун, бу ўринда Ғарб муфакирларининг фикрлаш услубларини ва дунёни бошқариш учун қўлланиши керак бўлган асосий қурол ҳақида уларнинг қарашлари ҳар хиллиги сабабини тушуна олишимиз учун куч сиёсати қоидасига ҳамда ғарблекларнинг у ҳақдаги назариясига тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Биз аввалги икки мақоламизда қўйидаги мавзуларни ёритдик:

- 1 – Куч сиёсати тушунчаси
- 2 – Денгиз кучлари ҳақида сиёсий тушунча-Денгиз стратегияси
- 3 – Куруқлик кучлари ҳақида сиёсий тушунча-Куруқлик стратегияси

Энди, қўйидаги мақола билан баҳсни якунлаймиз:

Германия муфакирлари наздидаги энг муҳим (ҳаётий) майдонга эга бўлиш ва кучга таяниш сиёсати тушунчаси:

Давлат ерларини куч ишлатиб кенгайтириш орқали миллий давлат ҳудуди ташқарисидаги энг муҳим ҳаётий майдонга эга бўлиш ғоясини кўтарган немис муфакирларининг бошида Фридрих Ратцел (1904-1944) туради. Унинг фикрича, давлат ерга боғланган ва табиатдан таъсирланадиган органик вужуддир, инсон фаолиятлари, аҳоли хусусиятлари ва давлат географик хусусиятлардан таъсирланади. Ратцел кучга таяниш сиёсати билан кенг ва бепоён майдонга эга бўлган қитъа давлатлари ўртасида мустаҳкам боғлиқлик борлигига ишора қиласди.

У шундай дейди: «Йигирманчи асрдаги давлатларнинг сиёсий характеристи кенг ер майдонларига эга бўлишга ва ўша майдонлардан фойдаланиш учун бор имкониятни ишга солишга ҳаракат қилишда кўринади. Катта сондаги башарий қувват билан техник қурол ҳамда кенг географик майдон ўртасидаги мавжуд боғлиқлик буюк оламий давлатларни барпо қилишининг

энг муносиб асосидир. Шунинг учун башариятнинг келгуси тарихини Россия, Америка ва Австралия каби йирик давлатлар белгилайди. АҚШ келажакда буюк давлатга айланади ва Европани ортда қолдириб, уни халқаро сиёсатда иккинчи ўринга тушириб юборади».

Аммо тадқиқотчи Челленнинг (1864-1922) таъкидлашича: Майдони чекланган давлатлар янги ерларни ўзлаштириш ё мустамлака қилиш ёки бошқа давлатлар билан бирлашиш орқали майдонини кенгайтиришга муҳтож. Чунки кенгайиш сақланиб қолишининг табиий йўналиши ва зарурий воситадир. Аммо кичик давлатларга келсак, уларнинг сиёсий ўрни маданият оламига энди қадам қўйган одамларнинг тараққиёт дунёсидаги ўрнига ўхшайди. Йирик давлатлар қанчалик ривожланса, кичик давлатларнинг аҳамияти камайиб бораверади.

Челленнинг фикрича: «Давлат вужудида куч қонундан муҳим нарса ҳисобланади. Уруш эса, куч сиёсати учун тажриба майдонидир. Келажакда қуруқликдаги давлатлар денгизчиликка асосланган давлатлар устидан ғалаба қиласди. Денгизчиликка асосланган давлатлар эса, мағлубиятга учрайди. Қитъа давлатлари денгиз устидан ҳукмронликни қўлга киритади. Буюк кучли давлатни барпо қилиш учун ўз худудида табиий чегаралар билан ҳимояланган кенг майдон, эркин ҳаракатланишга қулай йўллар ҳамда юксак даражадаги ички бирдамлик керак бўлади.

Унинг фикрича: «Россия йил бўйи кемалар суза оладиган денгизни назорат қилмагани учун эркин ҳаракатланишга қулай йўллардан маҳрум. Британия эса турли халқ ва миллатлардан ташкил топгани учун унга ички бирдамлик етишмайди. Аммо тарқоқ Германияда учта омил етишмайди, лекин у бирлашиб кенгаядиган бўлса, Евроосиёдаги энг буюк кучга айланади».

Хаусхофернинг (1896-1946) фикрича: «Давлат учун кенг биосфера (тирик организмлар яшайдиган ер қобиги) бўлиши зарур. Чунки биосфера давлатлар сиёсатида энг муҳим омил ҳисобланади. Давлатнинг кучидан кўзланган мақсад урушда ғалаба қилишдир. Давлатнинг қуруқлик, денгиз ва океанларга нисбатан жойлашган ўрни унинг кучини белгилайдиган географик унсур ҳисобланади. Шунинг учун давлат ўз ресурсларига таянган иқтисодга эришиши учун ер майдонини

кенгайтириши лозим. Чунки давлатнинг кучи денгиз, қуруқлик ва ҳаво кучларини ривожлантиришга таянади».

Хаусхофер тинч океани мінтақасида етарли даражада кенгликлар ва улкан бойликлар борлигини айтди. Унга кўра, Германия биринчи жаҳон урушида кўрган зиёнларини шу бойликлар билан тўлдириши мумкин ва у ҳарбий ҳукмронлигини ўрнатганидан кейин бу бойликлардан фойдаланиши лозим. У тинч океанингача бўлган муҳим (ҳаётий) жойларни қўлга киритиш учун Россия ва Германия ўртасидаги ҳамкорлик билан бир қаторда Германия ва Япония ўртасида ҳамкорлик бўлиши зарурлигини айтган. Шунингдек у, Хитой билан Япония ўртасидаги иттифоқ аҳамиятли, деб билди. Унга кўра, агар япон руҳи Хитой жисмига кирса уларнинг қуввати Америка ва Россиянинг ҳар иккисининг қувватидан ўтиб кетади.

Хаусхофер яна шундай дейди: «Германиянинг Европадаги жойлашган ўрни ва Япониянинг Осиёдаги жойлашган ўрни фарбий ва шаркий бекат ўрнидадир. Агар икки давлат ўртасида ҳамкорлик бўлса, буюк куч пайдо бўлади. Аммо Россия иккиси ўртасини ажратиб туради. Шунинг учун Япония Фарбга қараб, Германия эса, Шарққа қараб кенгайиши лозим». Иккинчи жаҳон уруши даврида мана шу фикрлар тингланган эди.

Фридрих Науман Германиянинг геостратегик кенгайиш зонасини шимолдан Шимолий денгиз, жанубдан Адриатика денгизи, ғарбдан Болтиқ денгизи ва Фламандрия мінтақаси, шарқдан қора денгиз ва Припять ботқоқликлари, деб белгилади. Науманинг фикрича, мана шу мінтақа унинг устидан ҳукмрон бўлган давлат иқтисодини қишлоқ хўжалиги ва тоғ-кон саноати соҳасида ўз-ўзини таъминлай оладиган ҳолатга келтиради. Аммо Германия соҳиллари шимол ва жанубга қараб чўзилса, унинг аҳолиси учун келажакда денгиз ортидаги бойликларга эга бўлиш имконияти туғилади.

Аммо Рорбах, Германиянинг юқорида келтирилган мінтақаларда ўз ҳукмронлигини ўрнатишини «шарқ томонга кенгайиш бекати» деб хисоблади. Унинг билдиришича: Германия агар Англиядан устун келишни истаса, Усмоний давлат билан иттифоқ тузиши лозим. Англияга қуруқлик кучлари билан Европадан хужум қилиниши мумкин. Англиянинг энг муҳим (ҳаётий) нуқтаси Мисрdir. Агар Англия Мисрни бой берса Ўрта ва

Яқин Шарқдаги ҳамда Марказий ва Шарқий Африкадаги барча позицияларини бой беради». Буни амалга ошириш учун Германия биринчи жаҳон урушидан олдин Усмоний давлат билан иттифоқ тузди. Шунингдек, усмоний ва немис аскарларини ташиш учун стратегик аҳамиятга эга бўлган «Хижоз ҳарбий темир йўли» узайтирилди. Чунки инглизларга Ҳиндистонда зарба бериш учун Араб ярим оролини кичик Осиё билан темир йўли орқали бирлаштириш лозим эди.

Адольф Гитлер ўзининг немис ҳалқи ҳиссиётини қўзғашга асосланган ҳаракати билан немис муфаккирларининг геосиёсий фикрларини амалда қўллади. Маълумки у, Германия биринчи жаҳон урушидан кейин бир қатор сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларга учраганидан кейин «Германия ҳамма нарсадан устун» ва «Дунёга Германия ҳукмронлик қилиши керак» каби шиорларни кўтариб чиқкан эди. Айтиш мумкинки, Адольф Гитлер «куч ишлатиб бошқалар ҳисобига кенгайиш», «ер юзида кучсизларга ўрин йўқ» деган ғоянинг тимсолидир.

Гитлер «ер ва унинг бойликларидан илмий асосда фойдаланиш немис ҳалқининг ўз ҳудуди ичida фаровонлигини таъминлайди», деган фикрларни рад этди. Унинг ҳисоблашича: «немис ҳалқи вужудини сақлаб қолиш янги ерларни босиб олишга боғлиқ ва Германия ўсиб бораётган ҳалқини озик-овқат билан таъминлаши учун ерларни кенгайтириш сиёсатини қўллаши лозим. Германия учун энг муҳим хаётий нуқта Европа қитъасининг ташқариси эмас, балки бу қитъанинг ўзи бўлиши керак. Чунки Германия Европани эксплуатация қилиб унинг хавфсизлигини таъминлаш учун уни мустамлака қилиб олмаса, у учун Европа ташқарисидаги мустамлакалар фойдасизdir».

Гитлернинг «Менинг курашим» номли китобида ёзган фикрлари чиндан ҳам ҳаяжонлидир. У ўзининг ўша китобида: «Катта давлатлардан фарқли ўлароқ кичик давлатлар нохуш тасодифларга учрайдилар. Катта давлатларда эса, ҳужумчи ўз мақсадига етишидан олдин бу давлатларда унинг кучи парчаланади» деб ёzádi. Сўнг ўша даҳшатли хатони унинг ўзи содир этиб Россияга ҳужум қилди. У яна шундай фикр билдиради: «Британиянинг денгизда эгаллаган позициясини ҳамда улкан денгиз кучларига эга эканини, бундан ташқари Европа ва шимолий Америкадаги англосаксонлар олдида эгаллаган ўрнини ҳисобга олиб, Германия биринчи жаҳон

урушида у билан иттифоқчи бўлиши керак эди. Чунки бу унга бир вақтнинг ўзида ҳам моддий ва ҳам маънавий қувват берарди. Шунингдек, қанча қурбонлик берилса ҳам, хатто Англия Германиядан мустамлакаларга талабгор бўлишдан бош тортишни ҳамда Германияни илғор денгиз кучига эга бўлган давлатга айлантириш лойиҳасидан воз кечишни, Британия саноати билан рақобатлашишдан тийилишни ва Германия қуруқлик кучларини кучайтиришга чекланишни талаб қилса ҳам Германия Англияни рози қилиб уни ўзига мойил қилиши керак эди». Гитлер ўзининг бу фикрини иккинчи жаҳон урушида амалда қўлламади.

3 – Ҳаво кучлари сиёсий тушунчаси-Ҳаво стратегияси:

Иккинчи жаҳон урушида ҳаво қуроли қанчалик аҳамиятли экани кўринди ва уришаётган тарафлар ундан кенг фойдаланди. Шунда ким стратегик ҳаво базасига эга бўлса, оламдаги энг катта кучга айланади деган стратегик қаноат ҳосил бўлди. Чунки у урашаётган тарафлар ўртасидаги жангда тарози палласини босди. Шунингдек қуруқлик, ва сувдаги ҳарбий операциялар учун қулай бўлмаган тоғ ва ботқоқлик каби табиий тўсиқларни босиб ўтишда қуруқлик ва денгиз куролларидан устунлиги кўринди. Рус ҳарбий учувчиси генерал Александр Северский ҳаво кучларига нисбатан стратегик характерга эга фикрларни айтган кишилар ичida энг кўзга кўринган шахс эди. Чунки у ҳаво кучларининг аҳамиятини исботлаб, ҳаво кучлари келажакда қуруқлик ва денгиз кучларидан устун бўлиб кетишини айтган.

Северский оламни иккига: шарқий ва ғарбий қисмга бўлди. Дунёдаги стратегик ҳаво кучлари фаолияти харитаси учун шимолий қутб (Арктика)ни асос қилиб олди.

Унинг ҳисоблашича: «Марказий ва жанубий Америка АҚШнинг ҳарбий ҳаво кучлари ҳукмронлиги остида бўлади. Унга кўра, бу ерлар АҚШ учун хом ашёлар ва озиқ-овқат сақланадиган омбор ҳамда АҚШда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сотиладиган бозордир. Айни пайтда жануб ва Осиёнинг жанубий шарқи Совет Иттифоқининг ҳаво кучларига бўйсунади. Шунингдек, инсониятнинг икки сулоласи: шимолдаги оқ танлилар ва жанубдаги қора танлиларни ажратиб турадиган Саҳрои кабиргача бўлган минтақалар Совет иттифоқи ҳаво кучлари ҳукмронлиги остида бўлади».

Северский Россия ва Америка ҳаво кучларига дахлдор минтақалар яъни, шимолий қутб, Россия маркази, Америка маркази, ғарбий Европа, Осиёнинг шимолий шарқи ва араб юртларига «ҳал қилувчи» минтақа номини берган. Бу минтақалар шимолий қутб атрофида жойлашган. Северскийнинг фикрича ким энг кучли ҳаво кучига эга бўлса, ҳал қилувчи минтақа устидан хукмронлик қиласди. Чунки бу минтақа тўқнашув майдони ва олам узра хукмронликка элтадиган йўлдир.

АҚШ давлати Северскийнинг фикрларини амалда ижро қилди. Чунки у Америка қитъасини мудофаа қилиш учун шимолий қутбни биринчи чизиқ сифатида ушлади. Шунинг учун у ерга ҳарбий ҳаво ва ракета базаси ҳамда радар тизими базасини қурди. Ўз навбатида Совет Иттифоқи ҳам ўз давлатига қарашли шимолий музлик ҳудудларига ҳарбий базалар қурди. Лекин бу минтақалар қуруқлик томондан хужум қилиш қийин бўлса-да, аммо уларни мудофаа қилиш ҳам осон эмас.

Қутб минтақаси Америка, Осиё ва Европага бўйсунувчи қисмларни ўз ичига олади. Россия шимолий муз океанининг 49 %-и, яъни 14 миллион кв.км. майдонига эгалик қиласди.

Россия чегаралари Осиё ва Шимолий Американи ажратиб турувчи Беринг бўғозидан Финляндия ва Кола ярим оролигача чўзилган. Аммо АҚШнинг чегаралари Беринг бўғозидан Аляскагача чўзилган. Аляскадан Гудзон шимолидаги учлик архипелагигача бўлган минтақага Канада эгалик қиласди. Бу ерда яна Данияга қарашли Гренландия ороллари ва Норвегияга қарашли Шпицберген ороллари бор.

Қутб ва уни ўраб турувчи минтақадан Америка ва Канадани Узоқ шарқ ва Ғарбий Европа билан бирлаштириб турадиган катта доираидаги авиалиниялар ўтади. Шунингдек, бунда масофа ва вақт тежалади ҳамда Шарқ ва Ғарб ўртасида ўзаро алоқалар олиб борилади. Қутб минтақаси ўзининг муз ороллари билан стратегик марказга айланган. Шунинг учун Америкалик генерал Генри Арнольд агар учинчи жаҳон уруши юз берадиган бўлса, унинг стратегик маркази Шимолий Қутб бўлади деган эди.

Шунинг учун ушбу минтақа Совет Иттифоқи ва Америка стратегик ракета ва ҳаво базалари билан ўралган. Ҳатто Американинг Гренландия шимоли ғарбидаги Туле базаси Москвадан 4430 км. узоқликда жойлашган. Нью-Йорк шахри

эса, Россиянинг Рудольф оролидаги ҳарбий базасидан 6115 км. узоқликда жойлашган. Агар икки давлатнинг бири бошқасидаги йирик ахоли яшайдиган марказни вайрон қилишни истаса, ўртача узоқликка учувчи ядро ракеталарини ишга солиши кифоя килади.

Гренландия ороли фарбий қисмнинг шарқий қисмдан ҳимояланиши ва унга хужум қилишида мухим нуқта ҳисобланади. Шунинг учун АҚШ Дания билан тузган келишуви тугаганидан кейин ҳам у ердан ўз базасини олиб чиқиб кетишдан бош тортиди.

Аммо Американинг барча ҳарбий ҳаво базалари ўз чегарасидан ташқарида жойлашгани учун АҚШ улар устидан тўла хукмронлик қилиши қийинлашади. Айни пайтда Совет Иттифоқининг ҳарбий ҳаво базалари ўз ҳудудида жойлашган. Бу эса, Совет Иттифоқининг позициясини мустаҳкамловчи омилдир. Чунки Совет Иттифоқи шу туфайли ўз базалари устидан тўла хукмронлик қила олади. Шунингдек ўз базаларини мудофаа учун деб баҳона қилиши ва Америка базаларини эса, агрессия учун курилган деб даъво қилиши мумкин.

Бу давлат ҳудуди ташқарисида жойлашган ҳарбий базаларнинг салбий томонидир. Чунки бу ўша базалар жойлашган давлатларнинг ўз ерларига ўзи хўжайнлик қилиш сиёсатига зид бўлиб, вақти келса уни бўшатиб қўйишни талаб қилиши мумкин. Шунингдек, бу базаларнинг эгаси бўлган давлат улардан бошқа давлатларга агрессия қилишда фойдаланиши мумкин. Бу эса, ушбу базалар жойлашган давлат бошқа давлатлар томонидан нишонга олинишига сабаб бўлади. Масалан АҚШ давлати Дания ва Канада ҳудудидан туриб Россияга агрессия қиласидиган бўлса, бу икки давлатни Россияга қарши қилиб қўяди. Шунингдек, бу база жойлашган давлатнинг халқи томонидан ушбу базалардан чиқиб кетишини талаб қилиб, намойишлар ўтказилишига туртки бўлади. Натижада, турли бекарорликлар пайдо бўлиши мумкин. Бундан ташқари буюк давлатлар таъсири остида бўлган ва унга тобе бўлган давлатларнинг малайлиги фош бўлади. Масалан Инжирилик базаси Эрдоган ва унинг режими АҚШга малай эканини фош қилишда катта роль ўйнайди.

Америка сиёсати ўз базаларини худудидан ташқарига жойлаштиришдан мақсади унинг ерини эгаллаб олишга ҳаракат килаётган агрессив давлатлар қарисига тўсиқ қўйишдир.

Чунки Америка юрт тинчлиги нафақат сиёсий вужуди ичидা, балки у ўзига нисбатан ҳаётий аҳамиятга эга, деб ҳисоблаётган миңтақаларнинг тинчлигига боғлиқ, деб билади.

Северскийга кайтадиган бўлсак, у куруқлик ва денгиз кучларига нисбатан ҳаво кучларига одатдан ташқари юксак аҳамият берганини муболаға дейиш мумкин. Чунки урушдан мақсад фақат вайрон қилиш эмас, балки иқтисодий ва ҳарбий мақсадларда ердан фойдаланиш учун уни босиб олишдир. Бу эса, фақат куруқлик кучлари билан амалга ошади. Шунинг учун куруқлик кучлари ҳар қандай урушнинг таянчи ҳисобланади. Денгиз ва ҳаво кучлари эса, қўшимча омил ҳисобланади. Чунки давлатнинг кенгайиб, торайиши унинг қўшинига боғлиқ.

4 – Фазовий куч сиёсати тушунчаси-Фазо стратегияси

Икки оламшумул қутб яъни АҚШ ва Совет Иттифоқи йигирманчи аср ўрталарида ядро қуролига ҳамда бир-бирини ва оламни қисқа вақт ичида вайрон қилиш қуролига эга бўлди. Совет Иттифоқи америкаликлардан ядро қуроли соҳасида ўтиб кетгани айтилгач, АҚШ саксонинчи йилларда юлдузлар жангни номли янги мудофаа стратегиясини эълон қилди. Шу пайтдан бошлаб: Ким фазога эгалик қилса, ер юзига эгалик қилади деган сиёсий мақол пайдо бўлди.

Икки буюк давлат 1961 йилдан бошлаб фазо сирларини ўрганишда мусобақа бошлишди. Уларнинг мақсади ер юзидағи ҳаётий манфаатини сақлаш учун фазони бўйсундириш эди.

Америка ерни ўраб турувчи коинот фазосини қирғинбарот куроллар билан қуроллантиришга қаратилган ҳарбий программасини эълон қилди. Улар қитъалар аро учувчи ядро каллакларига эга баллистик ракеталар каби ер юзи, ёки унинг қобиғи ёки коинот фазосида ҳаракатланётган нишонга хатосиз тегадиган ва одатдан ташқари тез куроллар эди. Бу қуролларни лазер ёки X (икс) нурлари ёрдамида рақиб томонидан отилиши билан сониялар ичидаги нишонга тегадиган бўлди. Америка ушбу куролларини эълон қилгач, янги қуролланиш пойгаси бошлади. Сўнгра икки буюк давлат фазодаги юзлаб станцияларга радиологик қуроллар ўрнатишли. Уларнинг даъвосича бу станциялар жанг бошлангандан бир неча дақиқалар ўтиб,

баллистик ракеталарнинг катта қисмини ишдан чиқариши мумкин бўлди.

Америка кучлилар ўртасидаги ҳал қилувчи кураш фазода бўлади ва ким юлдузлар жангида ғолиб чиқса ерга ўша эгалик қиласди деган ташаббус билан чиқди. Американинг мақсади Совет Иттифоқи ракеталаридан Американи ҳимоя қиласдиган, ракеталарга қарши фазовий мудофаа тизимини яратиш ва шу орқали ер юзига ҳукмронлик қилиш эди. Чунки фазовий куч стратегияси ким фазога эгалик қилса, ер юзига эгалик қиласди, деган тушунчадан келиб чиқди. Чунки жанг майдонини фазога кўчирган техникавий тараққиёт сабабли қуруқлик, денгиз, хаво кучлари ва ҳатто ядро ракеталари каби анъанавий қуроллар фазо қуроллари олдида арзимас бўлиб қолди. □

**ДУНЁГА ҲУКМРОН БЎЛГАН ҲАР БИР УММАТ ФАНОГА ЮЗ
ТУТДИ, ИСЛОМ УММАТИ ЭСА, ҲАРГИЗ ЗАВОЛ ТОПМАС**

Муҳандис Ҳасбуллоҳ Нур – Хартум

5 – Жомиут Таҳсил фи аҳкамил Муросил китоби (73 бетида) Муҳаққиқ Абу Саид ибн Халил ибн Кикалдий Абу Саид Алоий Ҳамадий Абдулмажид Салафийдан шундай келтиради: «Фақат мутавотир хабаргина қатъийликни ифодалайди, аммо оҳод хабар зонни ифодалайди».

6 – Ҳофиз Ироқий ўзининг Шарҳут табсира ват тазкира китоби (38 бетида) шундай дейди: «Ҳадис аҳлининг бу саҳих ҳадис деб айтишидан унинг иснодининг зоҳирига амал қилишни мақсад қилишган. Бу ерда ҳадиснинг ишонччилигида унтиш ва хато қилиш эҳтимоли бўлганидан уни қатъий саҳих дейиш кўзда тутилмаган. Аксар илм аҳли саҳих ҳақида шундай деганлар. Ҳусайн ибн Каробийсий каби айрим уламолар оҳод хабар илмни ифодалашини айтган».

7 – Қорий Сара фикрлар шарҳи номли китоби (215 бетида) шундай дейди: «Оҳод хабар уч қисм, яъни машҳур, азиз, ғарибга бўлинади ва илмни ифодаламайди». Қози Ибн Ҳожибининг Муҳтасар шарҳида: Оҳод хабар борасида ихтилоф мавжуд, агар қарина бўлса, илмни ифодалайди. Қавм айтадики: Қарина билан ва қаринасиз ҳам илм ҳосил бўлаверади. Яъни оҳод хабар топилиши билан илм ҳосил бўлади. Яна бир қавм оҳод хабар топилиши билан илм ҳосил бўлиши ҳам мумкин, бўлмаслиги ҳам мумкин. Кўпчилик айтганки: Илм қарина билан ва қаринасиз ҳам ҳосил бўлиши мумкин». Қорийнинг Сара фикрлар шарҳи китоби (217 бетида) шундай дейилади: «Оҳод хабар яқинни эмас, балки зонни ифодалашига иттифоқ қилинган». Шу манбанинг (218 бетида) шундай дейилади: «Ким оҳод хабар илмни ифодалайди деса, қариналарсиз оҳод хабарни эмас, қариналарга назар юритиш орқали чиқарилган назарий илмни ифодалашини айтган бўлади. Кимки мутавотиргина илмни ифодалайди, оҳод хабар зонни ифодалайди деса, қариналарсиз зонни ифодалайди демоқчи бўлади. Қарина билан кувватланган хабар қаринасиздан рожихдир. Чунки қарина билан хабар зондан илмга кўтарилади, натижада ихтилоф фақат лафзда бўлиб қолади».

8 – Шайх Жамолуддин Қосимий Араб китобларини тирилтириш кутубхонасида босилган Қавоидут таҳдис китоби, иккинчи босмаси (147 ва 148 бетларида) шундай дейди: «Саҳобалар, тобеинлар, улардан кейинги фақиҳлар, муҳаддислар ва усул уламоларидан иборат жумхур

мусулмонлар оҳод хабар шариат хужжатларидан, унга амал қилиш вожиб. Лекин у илмни эмас, зонни ифодалайди». Буларнинг барчаси шубҳаланиб бўлмайдиган ишлардир. Ақл оҳод хабарга амал қилишдан тўсмайди. Шариат оҳод хабарга амал қилишга буюради, ҳал қилувчи сўз шудир. Аммо кимки оҳод хабар илмни ифодалайди деса, кибр қилган бўлади. Чунки оҳод хабарга хато, тўқима ва ёлғон аралашиши мумкин бўлса-ю қандай қилиб у илмни ифодаласин».

9 – Ҳатиб Бағдодий ўзининг ривоят илмидаги кифоя номли китобида алоҳида боб ажратиб, унга «Оҳод хабар илмни ифодалайди, деб даъво қилувчилар шубҳали ва уларнинг даъволари ботил», деб ном қўйган. Мусанниф китобнинг (432 бетида) шундай дейди: «Оҳод хабар мукаллафлар билиши ва қатъий тасдиқлаши лозим бўлган бирор ўринда қабул қилинмайди». «Оҳод хабар ақлнинг ҳукми, Қуръоннинг муҳкам ва событ ҳукми, маълум суннат ҳукми ва қатъий далиллар билан событ суннат ҳукмига зид бўлса, қабул қилинмайди». Ином Ҳатиб Бағдодий ўзининг Фақих ва Мутафаққих китоби (1 жуз, 96 бетида) шундай дейди: «Сунан Сиҳоҳ китобларида ривоят килинган оҳод хабарлар илмни эмас, амални вожиб қиласи».

10 – Ҳадис илмида муҳтасар қўлланма китоби (167 бетида) шундай келади: «Икки шайх сахиҳлигига иттифоқ қилган хабарлар сахиҳ бўлса-да ҳамда мазмуни бир-бирига зид бўлмаса ҳам зонни ифодалайди, чунки улар мутавотир эмас. Шунинг учун Уммат сахиҳ деб ижмо қилган хабар қатъийликни ифодалайди деган кишининг сўзи заифdir. Чунки бу ерда гап бошқасидан қатъий назар хабарнинг ўзи ҳақида бормоқда. Улар оҳод хабар зонни ифодалайди, айрим ўринларда эса, яъни қарина қўшилганда илмни ифодалайди дейишган. Бу ерда гап жумхур уламолар ҳақида бормоқда».

11 – Абдуллоҳ Жадиъ ўзининг Тахтир улумул ҳадис китоби (1 жуз 34 бетида) шундай дейди: «Аксар илм аҳллари оҳод хабар амални вожиб қиласи, қатъийликни эмас деган. Аммо Ибн Ҳазм ва бир гуруҳ олимлар қатъийликни вожиб қиласи деган».

12 – Ибн Усаймин ўзининг Мусталаҳул ҳадис илми китоби (5 бетида) шундай дейди: «Оҳод хабарлар заифларидан бошқаси аввало зонни ифодалайди. Бу ерда унинг сахиҳлиги ким томонидан ривоят қилинганига қараб бўлади. Шунингдек, у юқоридаги мартабаларига қараб турли хилда бўлади. Оҳод

хабар баъзида, яъни қарина қўшилса ва усулга мос келса, илмни ифодалайди.

13 – Ибн Кудома Құдсий ўзининг Равзатун нозир ва Жаннатул мунозир китоби (1 жуз, 341 бетида) шундай дейди: «Имомимиз (Аллоҳ ўз раҳматига олсин)дан оҳод хабар билан илм ҳосил бўлиши ҳақида турлича ривоят қилинган. Масалан айрим ривоятлар бўйича илм ҳосил бўлиши айтилган. Бу кўпчилик ва кейинги асҳобларимиз қавлидир. Лекин биз оҳод хабар илмни ифодаласа-да, эшитган ҳар қандай хабарни тасдиқламаслигимиз лозим. Чунки хабарлар саҳих бўлса-да мазмуни бир-бирига зид бўлганидан уларни жамлаш имкони бўлмаслиги мумкин. Модомики, у илмни ифодалар экан, у билан Куръон ва мутавотир хабарни насх қилиш мумкин. Шунингдек битта гувоҳ орқали ҳукм чиқариш мумкин, гувоҳнинг одил ёки фосик бўлишининг фарқи йўқ. Имом Аҳмаддан ривоят қилинишича, у киши туш тўғрисидаги оҳод хабарларни илмни ифодалайди деган. Чунки туш ҳақидаги хабарларнинг ровийлари кўп, омма уни қабул қилган ва етказувчисининг тўғрилиги ҳақида қариналар келган. Шундай экан, у ҳам мутавотир бўлади, чунки мутавотир бўлиши учун чекланган сон йўқ.

Имом Аҳмад фикрича, оҳод хабар илмни ифодалаши ҳам мумкин. Бу аксар ҳадис соҳиблари ва аҳли зоҳирларнинг гапидир. Айрим уламолар айтадики: Имом Аҳмад адолати, ишончлилиги ва пухта билишига иттифоқ қилинган имомлар нақл қилса, Уммат қабул қилса, саҳих шартларига кўра нақл қилинса ва бирор киши инкор қилмаса илм ҳосил бўлади деган. Чунки Сиддиқ ва Форуқ лар эшитган ёки кўрган хабарни ривоят қилсалар, улардан эшитган киши шубҳа қилмаган. Чунки эшитган киши қалбида уларга нисбатан хотиржамлик бўлган ҳамда уларнинг ишончлилиги ва омонатгўйлигига ишонган. Шунинг учун салафлар амални ифодаламаган Аллоҳнинг сифатларини ўз ичига олган хабарларни етказишар экан, бундай хабарларни тасдиқлаш ва уларда келган нарсага эътиқод қилиш вожиблигига иттифоқ қилишган. Чунки, агар Уммат хабарни қабул қилишга иттифоқ қилган бўлса, унинг тўғрилигига ижмо қилган бўлади. Ижмо эса қатъий хужжатдир».

Усули фикҳ уламолари

1 – Дамашқ университети исломий шариат факультети ўқитувчиси доктор Мухаммад Захилий ўзининг Исломий усули

фиқх китоби (1975 йилда босилган, 163-164 бетларида) Оҳод хабарларнинг хужжатлиги номли бобида шундай дейди: «Оҳод хабарлар Росулуллоҳ дан ворид бўлиши жиҳатидан уламолар ҳадис ровийлар ҳақида айтган ишонч, адолат ва зобит каби шартлар топилса-да зонни ифодалайди. Лекин уларнинг субутида шубҳа бўлса ҳам уларга амал қилиш ва унда ворид бўлган нарсага эргашиш возибдир. Аммо оҳод ҳадис эътиқодга олинмайди. Чунки эътиқод масалалари жазм ва ишончга қурилади, рожих бўлса ҳам зонга қурилмайди. Чунки зон ҳақиқатдан бирор нарсани англатмайди».

2 – Усули Сарахсий китоби оҳод хабарлар ва уларга амал қилиш боби (1 жуз, 321 бетида) шаҳар фақиҳлари (Аллоҳ ўз раҳматига олсин) шундай дейди: «Адл сифати топилган оҳод хабар дин ишида унга амал қилиш учун хужжатдир. Оҳод хабар яқинни ифодаламайди».

3 – Шавконий ўзининг ҳақиқатни излаш учун усул илмидан кучли кўрсатма номли китоби (1 жуз, 133 бетида) шундай дейди: «Оҳод хабар ўзи мустақил илмни ифодаламайди. Лекин қарина билан илмни ифодалайди. Чунки мутавотир билан оҳод хабар ўртасида восита йўқ, бу жумҳур уламолари сўзидир».

4 – Шамсиддин Муҳаммад ибн Усмон ибн Али Мординий Шофейй ўзининг Варақот лафзларини таҳлил қилишдаги гўзал ниҳоллар номли китобида (Варақот китоби аслида икки Ҳарам имоми Жавийнийникидир) шундай дейди: «Имом мутавотир хабарлар ҳақида айтиб бўлгач, оҳод хабарларни шарҳлашга киришиб, оҳод хабар илмни эмас, амални возиб қиласди. Чунки оҳод хабар тўқима аралashiши эҳтимоли бўлгани учун зоннийдир деган».

5 – Ибн Рушд Хафид ўзининг Усули фиқҳдаги заруриятлар китоби (29 бетида) шундай дейди: «Оҳод хабар бу саноат (Усули фиқҳ илми демокчи)да яқинни ифодаламайди. Қарина бўлса, яқинни ифодалаши мумкин, лекин буни қандайдир шахс ёки қандайдир вое устида айтишимиз мумкин. Айримлар оҳод хабар қаринага боғланганда қалбда пайдо бўладиган зоннинг тафовутига қараб, оҳод хабар баъзида яқинни ифодалайди деган».

6 – Имом Абу Бакр Муҳаммад Ибн Осим Андалусий Гарнотийнинг (ҳижрий 829 йилда вафот этган) Усул илмига олиб борувчи йўл номли китобида шундай шеърий мисраларни

келтиради: «Аммо оҳод ҳабар илмни ифодаламайди. Лекин битта машҳур нақл билан амалларда зонни ифодалайди». Бу шеър аслида имомнинг (741 ҳижрий йилида вафот этган бобоси Абул Қосим Мұхаммад ибн Аҳмад ибн Жузай Калбий Фарнотийникидир.

7 – Риёздаги Имом Мұхаммад ибн Сауд Университети, шариат факультети, усули фиқҳ бўлими ўқитувчиси доктор Абдулкарим ибн Али Намла ўзининг Усули фиқҳ масалалари тўплами китобида шундай дейди: «Мутавотир ҳабар оҳод ва машҳур ҳабардан рожиҳдир. Чунки мутавотир ҳабар қатъийликни ифодалайди, оҳод ва машҳур ҳабар зонни ифодалайди. Қатъий ҳабар зоннийдан юқори туради».

8 – Жалолиддин Махлий Варақот китобига ёзган шарҳига шарҳ ёзган Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Ҳамид (182 бетда) шундай дейди: «Мутавотирга қарама-қарши бўлган оҳод ҳабарлар амални вожиб қиласи. Уларда хато эҳтимоли бўлгани учун илмни вожиб қилмайди». У киши ўз шарҳининг (183 бетида) яна айтадики: «Оҳод ҳабар зонни ифодалайдими ёки яқинними? Жумҳур уламолар оҳод ҳабарда хато эҳтимоли бўлгани учун зонни ифодалашини айтган. Шайхулислом Ибн Таймийя (Аллоҳ раҳматига олсин) айтади: «Агар оҳод ҳабарга қарина қўшилса, илм яъни яқинни ифодалайди. Агар Абу Бакр ва Умар  ривоят қилган бўлса, яқинни ифодалайди».

9 – 474 ҳижрий санада туғилган имом, қози, фақиҳ ва ҳофиз Абулвалид Сулаймон ибн Халаф Божий ўзининг Усул таълимидағи ишора ва далил таълимидағи қисқа тушунтириш номли китобида шундай дейди: «Аммо оҳод ҳабар мутавотир даражасига етмаган ҳабардир. Шунинг учун оҳод ҳабар билан илм хосил бўлмайди, балки унинг тингловчиси гумонига унинг сахихлиги ва ҳабар берувчининг ишончлиги ғолиб бўлади. Ҳабар берувчи шахс ишончли бўлса-да унда гувоҳ каби унутиш ва хато қилиш эҳтимоли мавжуд».

10 – Махлий Варақот китобининг Усули фиқҳдаги шарҳи китоби (145 бетида) шундай дейди: «Мутавотирга қарама-қарши бўлган оҳод ҳабарлар хато эҳтимоли мавжуд бўлгани учун илмни эмас, амални вожиб қиласи».

11 – Шайх Мұхаммад Ҳасан Шанқитий Жувайнининг Варақот китобига ёзган шарҳи (63 бетида) шундай дейди: «Оҳод

хабар қарина қўшилмаса илмни ифодаламайди. Агар қарина қўшилса зарурий илмни тақозо этади.

12 – Имом Жувайниний айтади: «Оҳод хабар рост ва ёлғон эҳтимоли мавжуд хабардир. Хабар ўзи икки қисмга бўлинади: Оҳод ва мутавотир. Мутавотир илмни вожиб қиласи ва ёлғонга келишиб олиш мумкин бўлмаган жамоа тарафидан ривоят қилинган бўлади, бундан хабар берувчиси ҳам холи бўлмайди. Шунингдек у ижтиҳод орқали эмас, балки қўриш ёки эшитиш орқали бўлади. Оҳод хабарлар эса, илмни эмас, амални вожиб қиласи».

13 – Газзолий Усул илмидан сараланма китобида шундай дейди: «Билингки, биз бу ўринда оҳод хабар деганда илмни ифодалайдиган мутавотир даражасига етмаган хабарларни айтяпмиз. Беш ёки олтитаси томонидан ривоят қилинмаган экан, у хабар оҳод хабардир. Аммо саҳиҳлиги билингган Росулуллоҳ ﷺ нинг кавли оҳод хабар эмас. Буни билган бўлсангиз, айтамизки оҳод хабар илмни ифодаламайди. Биз эшитган нарсани тасдиқлайвермаймиз. Агар тасдиқласак ва икки хабарнинг бир-бирига зидлигини билсак, қандай қилиб бир-бирига зид бўлган хабарларни тасдиқлаймиз? Муҳаддисларнинг илмни вожиб қиласи, деган сўзларига келсак, чамаси улар бу билан амални вожиб қиласи, демоқчи бўлишган. Шунинг учун зон илм, деб исмланди, ва айримлар зоҳирий илм деди. Лекин илмнинг зоҳири ёки ботини мавжуд эмас, балки у зондир».

14 – 792 ҳижрий санада вафот этган Шофейй мазҳаби вакили, имом Саъдуддин Масъуд ибн Умар Тафтазоний ўзининг Усули фиқҳдаги тузатиш китобининг шарҳи бўлмиш тушунтириш ишораси китоби (2 жузида) шундай дейди: «Оҳод хабар зонний бўлса, илмни эмас, амални вожиб қиласи. Айримларнинг фикрича на илм ва на амални вожиб қиласи, айримларнинг фикрича иккисини вожиб қиласи. Жумҳур уламолар илмни эмас, амални вожиб қиласи деган.

Бунинг далили Аллоҳ Таолонинг ушбу

﴿وَلَا تَقْفُ مَا لَيْسَ لَكَ بِهِ عِلْمٌ﴾

«(Эй инсон), ўзинг аниқ билмаган нарсага эргашма!» [Исро 36]

﴿إِنْ يَتَبَعُونَ إِلَّا آَطْهَانَ﴾

«Улар фақат гумонга ва ҳавоий нафсларигагина эргашадилар-а»

[Нажм 23]

қавллари дидир... Оҳод ҳабар яқинни вожиб қилмаслиги ва унда ёлғоннинг эҳтимоли борлигига ақл далиллар». Тафтазоний шу манбанинг (432 бетида) шундай дейди: «Қабр азоби ва Маҳшар майдони, сирот, ҳисоб-китоб, азоб тафсилотлари ва булардан бошқа эътиқод масалаларида, яъни қатъий тасдиқни талаб қиласиган масалалар ҳақида келган оҳод ҳабарларда рост ва ёлғон эҳтимоли мавжуд. Лекин ровийнинг адолати билан рост рожих келиб ёлғон эҳтимоли йўқолади, бу эса илм деганидир. У киши яна жавоб берганки, биз сидқ (рост томони) ёлғоннинг эҳтимоли бутунлай йўқоладиган даражада рожих келишини қабул қиласигиз. Балки ақл оҳод ҳабар яқин илмни вожиб қилмаслиги ва енгил бўлса-да ёлғон эҳтимоли қолишига гувоҳдир.

Иккита бир-бирига зид ҳадис бўлса ва иккисини ҳам одил кишилар ҳабар берса, қайси бири олинади. Аввалги жавобда икки жиҳат мавжуд: Биринчиси охират ҳақидаги ҳабарлар ичida машҳурлари бўлиб, илмни вожиб қиласиди. Иккинчиси оҳод ҳабарлар бўлиб, зонни вожиб қиласиди ҳамда булар тафсилот ва фуруълардадир. Улар ичida яна мутавотирлари бўлиб, улар қатъийлик ва илмни вожиб қиласиди».

Уламоларнинг турли қавллари

1 – Шайх Албоний (Шайхнинг бири-бирига қарши гаплари).

Абу Ҳасан Маърабий Мактаба шомиланинг (9 бети, 20 саволда) аллома мұҳаддис Албонийга: Оҳод ҳабар ҳақида нима дейсиз, деб савол беради. Шунда шайх: Агар қарина келган бўлса оҳод ҳабар рожих зонни ифодалайди деб жавоб беради.

Шайх (Аллоҳ раҳмат қилинисин) оҳод ҳабар қатъий илмни ифодалайди, деб айтадиган айрим фазилатли уламолардан ажабланган (Ибн Ҳазмни кўзда тутган бўлса керак). Чунки оҳод ҳабар ривоятида хато эҳтимоли мавжуд дейилган. (Бу ерда мулоҳаза қилиниши лозим бўлган нарса шуки: Бу саволлар «Мусталаҳ ва асар масалаларидаги дурлар» бобида келтирилган 8та шарт ичida ёзилган. Уларни Шайх Албонийнинг (Аллоҳ раҳмат қилинисин) Ислом йўли сайтидан юклаб олиш мумкин. Мактабатуш Шомилада Албонийнинг ақида борасидаги маълумотномаси (1 жуз 335 бетида) шундай дейиллади: «Барча билиши лозим бўлган нарса шуки, оҳод ҳабар рожих зонни ифодалайди деган гап мутлақ қабул қилинадиган гап эмас. Балки унинг ўз ўрнида айтиладиган тафсилотлари бор. Биз бу ерда айтиб ўтиш мухим бўлган нарса шуки, оҳод ҳабарлар аксар ҳолларда илм

ва яқинни ифодалайди. Булар жумласига Уммат қабул қилган, Бухорий ва Муслимлар ўз сахиҳларида сахиҳ деб чиқарган ҳадислар киради».

Мактабатуш шомилада Албонийнинг ақида борасидаги маълумотномаси (1 жуз, 346 бетида) шундай дейилади: «Оҳод ҳадис воқеда гумонни ифодалайди, оҳод хабардаги асллик шундан иборат. Лекин Шайхулислом Ибн Таймийя айтганидек: Оҳод хабар қарина бўлса, шу қарина қувватлагани учун илм ва яқинни ифодалайди».

2 – Шайхулислом Ибн Таймийя Катта фатволар китоби (5 жуз, 81 бетида) шундай дейди: «Шу боисдан тўғриси шуки, агар илмни ифодалайдиган қариналар келса оҳод хабар ҳам илмни ифодалайди. Шунга кўра, ҳадис илми аҳли наздида икки сахиҳдаги кўп матнларнинг лафзи мутавотирдир. Гарчи бошқалар уни мутавотирлигини билмаса ҳам. Шу боисдан аксар ҳадис уламолари икки сахиҳдаги аксар ҳадисларни мутавотир, деб ҳисоблашгани ва Уммат қабул қилгани учун уларни Росулуллоҳ ﷺ айтган, деб қатъий ишонишади. Ушбу қабул қилинган оҳод хабарлар Абу Ханифа, Молик, Шофеий ва Аҳмад мазҳабидаги жумхур уламолар наздида илмни вожиб қиласи. Исфаройийний ва ибн Фурак каби аксар ашъарийларнинг ҳам худди шу фикрни билдирган. Шунинг учун оҳод хабар мустақил равишда зонни ифодалайди. Лекин унга қарина келиши, яъни ҳадис илми аҳли уни қатъий тасдиқ сифатида олишга ижмо қилиши фикҳ илми аҳлиниң зоҳир, киёс ва оҳод хабарга суюниб бирор бир ҳукмга ижмо қилишига ўхшайди. Бундай ҳукм жумхур наздида қатъий ҳукмга айланади. Агар у ижмосиз бўлганда эди, қатъий бўлмас эди. Зеро, ижмо маъсум ҳисобланади».

Катта фатволар китоби (5 жуз, 575 бетида) шундай дейилади: «Икки кишининг хабари эътиқод борасида бир кишининг хабаридан кўпроқ нарсани вожиб қиласи».

Мустадрак ала мажмуил фатово номли китобнинг (2 жуз, 68 бетида) шундай дейилади: «Оҳод хабар жумхур уламолар қавлига кўра, амални вожиб қиласи ва қатъийликни эмас, зонни ифодалайди. Жувайнний: Илмни ифодаламайди, лекин амални вожиб қиласи. У киши яна: Бу лафз хусусидаги мунозараидир. Имом Аҳмад агар хабар сахиҳ бўлса ва асҳобларимиздан бир жамоаси ихтиёр этса қатъийликни ифодалайди, дегани нақл қилинган».

Мустадрак ала мажмуил фатово китоби (2 жуз, 73 бетида) шундай дейилади: «Оҳод хабарлар динларни исботлашда хужжат бўлади... Асҳобларимиз: Қабул қилинган оҳод хабарлар динларнинг асосини исботлаш учун хужжат бўлади дейишган.

Қози Мужаррад китоби муқаддимасида шундай дейди: Оҳод ҳабар саҳиҳ бўлса, ровийлар у борасида ихтилоф қилишмаса ва Уммат уни қабул қилса, илмни вожиб қиласи.

Асҳобларимиз Уммат қабул қилмаган бўлса ҳам илмни вожиб қиласи дейишган.

Мустадрак ала мажмуил фатово китоби (2 жуз, 128 бетида) шундай дейилади: «Оҳод ҳабар билан ижмони исботлаш жоизми... Оҳод ҳабар билан ижмони исботлаш жоиз. Ибн Үқайл ўз китобининг охирида айтади: Аксар фақиҳларнинг қавли шу. Абу Суфён айтади: Шайхларимиз мазҳаби шу, айрим шайхларимиз жоиз эмас, деган. Шайхимиз айтганки: Оҳод ҳабар илмни эмас зонни ифодалайди. Биз оҳод ҳабар орқали ижмо событ бўлади десак, ижмо оҳод ҳабар орқали ҳосил бўлади деб қатъий айтган бўлмаймиз. Балки бу Росууллоҳ  нинг қавлларини исботлаш учун айтилган сўздир. Чунки тортишувчи айтадики ижмо қатъий далил, оҳод ҳабар эса зонний далилдир, демак зонний қатъийни исботламайди».

Ибн Таймийя ўзининг Пайғамбар суннати минхожи номли китоби (7 жуз, 379 бетида) шундай дейди: Оҳод ҳабар қарина бўлсагина илмни ифодалайди. Кўпчилик қаринани пайқамайди, натижада Қуръон ва мутавотир суннат борасида илм ҳосил бўлмаслиги мумкин. Агар улар битта маъсум кишининг ҳабари билан илм ҳосил бўлади десалар, биз айтамизки аввало унинг маъсумлиги ҳақида илм бўлиши керак. Унинг маъсумлиги фақат ҳабарнинг ўзи билан исботланмайди. Яна у ижмо билан ҳам исботланмайди, чунки у ҳақида ижмо қилиб бўлмайди».

3 – Имом Абдулқоҳир ибн Тоҳир ибн Муҳаммад Исфирийний Тамимий (429 ҳижрий санада вафот этган) 1928 йил Истамбул шаҳрида чоп этилган Усулуддин китоби (12 бетида) шундай дейди: «Агар оҳод ҳабар исноди саҳиҳ бўлса ва матни ақлан маҳол бўлмаган иш бўлса, илм эмас, амални вожиб қиласи». Имом Абдулқоҳир Бағдодий Дорул маърифа кутубхонасида чоп этилган фирқалар ўртасидаги фарқ китоби (325-326 бетларида) шундай дейди: «Аммо оҳод ҳабарлар ҳақида айтадиган бўлсак, агар исноди саҳиҳ бўлса ва ақлга мос келса, илмни эмас, амални вожиб қиласи. Шунингдек ҳоким ҳукм чиқараётган пайтда гувоҳликдаги тўгри сўзлиги маълум бўлмаса-да одил гувоҳ ўрнида бўлади. Фақиҳлар бундай ҳабарлар билан ибодат, муомала ҳамда ҳалол ва ҳаром бобларида аксар шаръий ҳукмларнинг фуруъларини исботлашган. Шунингдек оҳод ҳабарга амал қилиш вожиблигини инкор қилганларни адашганлар жумласига қўшган».

4 – Имом Абдурраҳмон Жазирий Тўрт мазҳаб фикҳи китоби (5 жуз, 391-392 бетлар)да сехр ҳақиқати ва Пайғамбаримиз сехрлангани ҳақида гапирар экан шундай дейди: «Сехр ҳақиқатда таъсир қиласи деб айтиётганлар Саҳих Бухорийда ривоят қилинган Оиша онамизнинг гапларини далил қилиб келтиришади. Ушбу ҳадисда Оиша  Пайғамбаримизга сехр қилишгани, натижада у киши қилган ишлари қилмагандек ва қилмаган ишлари қилгандек туюладиган бўлиб қолгани ҳақида айтади. Бу ҳадис сахих, ҳеч ким унинг бирорта ровийсини айبلاغан эмас. Лекин бу каби ҳадислар фаръий масалаларда ҳужжат қилинади эътиқод масалаларида эмас. Чунки ақидалар яқин далилларга суюнади. Лекин бу каби ҳадислар қанчалик сахих бўлса-да, оҳод хабар бўлиб, зонни ифодалайди. Саҳих ҳадислар исботлаш борасида ўз қийматига эга, лекин бу ақлий ҳужжатларга зиддир».

5 – Амир Санъоний Тавзихул афкор ли танқиҳил анзор китоби (1 жуз, 24-25 бетларидан) шундай дейди: «Аксар илм унга асосланадиган сахих шуки, оҳод хабар сахих ҳадисдир. Лекин у шу ишда қатъий дегани эмас, шунинг учун у илмни эмас, амални вожиб қиласи. Аксар илм унга асосланадиган сахих мана шудир. Лекин бу Ҳусайн ибн Али Каробисий каби оҳод хабар зоҳирий илмни вожиб қиласи, деб айтиётганларнинг фикрига тескаридир».

6 – Қўфалик Абул Бақо Айюб ибн Мусо Ҳусайний Куллиётлар китоби (44 бетида) шундай дейди: «Ижмонинг бизга нақл қилиниши баъзида тавотур йўли билан бўлади ва қатъийликни ифодалайди. Баъзида машхур ҳадис орқали бўлади ва қатъийга яқин бўлади. Баъзида оҳод хабар билан бўлади ва илм эмас амални вожиб қиласи. У киши шу манба (416 бетда) шундай дейди: «Оҳод хабарнинг ҳукми шуки, у илмни эмас, амални вожиб қиласи. Шунинг учун у эътиқод масалаларида ҳужжат бўлмайди. Чунки эътиқод масалалари эътиқодга асосланади, у эса қатъий илмдир. Оҳод хабар голиб раъй ва катта зон илмини вожиб қиласи, қатъий илмни эмас».

1 – Мусулмон биродарлар, бу айни масала борасидаги уламолар китобларида мавжуд кўп фикрларнинг озгинаси холос. Уламоларга тақлид қилишни қоралайдиган кишиларга на Албоний ва на Ибн Ҳазмга тақлид қилишни, балки Аҳли суннанинг қадимги китобларига мурожаат қилишларини насиҳат қиласман. Шунингдек, ўзларини Аҳли суннадан, деб ҳисоблашашётган замонамиз уламолари китобларига мурожаат қилмаслигига насиҳат қиласман. Чунки улар муҳим баҳс борасида, яъни исломий ақидада Аҳли суннага тескари йўл тутадилар. Аллоҳ ўзи тавфиқ берсин. □

УЙГОНИШ ЙЎЛИДАГИ МАШЪАЛАЛАР

Абдулмўмин Зайлай – Яман

Уйғониш мавзуси қалб унга талпинадиган ва инсоният у томон интиладиган мавзудир. Айниқса, инсоният бир неча марта уйғониш учун ҳаракат қилиб, ақлни қаноатлантирадиган, фитратга мос келадиган ва қалбни хотиржам қиласидиган тўғри уйғонишга эриша олмаган бугунги кунда уйғониш мавзуси ўта муҳим мавзуга айланди. Чунки инсоният вайронагарчиликларни бошдан кечирганидан кейин бу йўлда сароб ортидан юргурган киши каби бўлиб қолаверди. Мен бу мақолада уйғониш, унинг кайфияти борасидаги таърифлар ва фаръий масалаларга киришмоқчи эмасман. Балки бу қисқа мақолада уйғониш ҳақидаги олтин ибораларни такрорлаш билан кифояланаман: (Инсон ҳаёт, коинот ва инсон ҳақидаги ҳамда буларнинг дунё ҳаётидан илгариги Вужудга ва дунё ҳаётидан кейинги ҳаётга алоқадорлиги ҳақидаги фикр билан уйғонади.

Шунга кўра, бугунги инсон уйғониши учун унинг фикрини тубдан умумий равишда ўзгартириб, унга бошқа фикрни вужудга келтириб бериш керак. Чунки ушбу фикр нарсалар ҳақидаги тушунчаларни вужудга келтириб, уларни бир нуқтага боғлайди). Инсонни инсон сифатида уйғотадиган фикрлар ҳаёт ҳақидаги тасаввур ва тушунчалар турли хил бўлганига қараб, улар ҳам турличадир. Ҳаёт ҳақидаги тасаввурлар ёки уйғонишга олиб борадиган мабдалар учта бўлиб, улар социализм, капитализм ва Исломдир. Мана шу уч мабда инсонда уйғонишни пайдо қиласи. Лекин тўғри уйғониш билан нотўғри уйғониш ўртасида фарқ мавжуд. Шунингдек жамиятда бўлиши лозим бўлган қийматлар, олий ғоялар ва тўғрилик кабиларни ҳимоя қиласидиган уйғониш билан жамиятни машақкатга етаклайдиган ҳамда инсон ва жамиятда бўлиши лозим бўлган нарсалар билан ҳисоблашмайдиган, манфаатдан бошқани билмайдиган, гайриинсоний ишлар билан шуғулланадиган уйғониш ўртасида фарқ мавжуддир.

Чунки на назарий жиҳатдан ва на татбиқ жиҳатидан тўғри бўлган социализм ва капитализм куч, курол, адаштириш, алдаш ва мустамлака орқали татбиқ қилинди. Тарих ва воқелик бунга яққол гувоҳ ва мусулмон юртлари катта далилдир. Капитализм ва социализмни яхши ўрганган киши улар ақлни қаноатлантираслигини, фитратга мос келмаслигини ва татбиқ қилинган халқларга хотиржамлик олиб келмаганини кўради.

Аммо Исломга келсак, Усмоний Халифаликни қулатиш орқали унинг сиёсий вужудини парчалаб куч билан Ислом ҳаётдан ажратилишидан олдин амалда татбиқ этилган пайт ҳаётнинг барча соҳаларида ҳақиқий уйгонишни пайдо қилган эди. Тўғри, рошид Халифалик асридан кейин, Исломий давлатда Исломни тушуниш ва уни татбиқ қилиш борасида суистеъмол пайдо бўлди. Бу нарса Усмоний давлат охирларига бориб турғунлик билан якун топди. Усмоний давлат ўша пайтга келиб уйғонишга ҳаракат қилди, лекин у айрим ислоҳотларни Ғарбдан олди ҳамда мустамлака ва унинг малайларини исломий юртлардан даф қилиш билан машғул бўлиб қолди. Охири тубанлашиб, касал бўлиб қолди. Натижада, Ғарб ва унинг араб ва турклардан иборат малайлари томонидан тугатилди. Лекин бу давлатнинг қолоқлашуви ва тубанлашувига Ислом сабаб бўлди дегани эмас. Балки Исломни тўғри тушунмаслик ва ижтиҳод тўхтаб қолиши давлатни тубанлашувида муҳим омил бўлди.

Ислом Исломий давлатда амалда татбиқ қилинди, бу эса, одамларни тўла қаноат билан Исломга тўп-тўп бўлиб киришига сабаб бўлди. Ўз динида қолганлар эса, Ислом соясида яшашди ва унинг низомларига бўйсунишди. Чунки Ислом уларни ҳимоя қилди, барча нарсалар билан таъминлади, кучлари етмаган нарсани юкламади ҳамда адолат ва яхшилик билан бошқарди. Ҳатто Шомдаги насронийлар салибчилар уруши даврида Салоҳиддин Айюбий билан бирга Европа насронийларига қарши жанг қилишди.

Бугун эса, Европа, Америка ва бошқа жойлардаги минглаган одамлар Ислом ва уни қабул қилганларни хунук кўрсатадиган турли ҳаракатлар бўлишига қарамай, Исломни қабул қилмоқдалар. Исломнинг давлати бўлмаганига қарамай ҳамда Ғарб ва унинг сақофатидан таъсирангандар Ислом куч ва мажбуурлаш билан тарқалган, деб айтишларига қарамай Ислом тарқалмоқда.

Фикрлар ва масалалар ўртасини аралаштириб юбораётган, мусулмонларнинг қолоқлашувига сабаб уларнинг дини, деб даъво қилаётган ва динни ҳаётдан ажратишга чақираётган кишиларга бундай деймиз: Усмоний Халифалик қулатилгандан бери ҳаётга Ислом ҳукмронлик қилдими ёки исломий юртларга сизларнинг социализм ва капитализмингиз куч билан татбиқ қилиндими? Ёки соҳта моддий ялтироқликдан таъсирангандар ҳокимлардан иборат тоғут ва малайлар ўша низомларни ҳимоя қилиш учун тиклаб кўйилдими?

Ислом Европада черков хукмрон бўлган даврда бўлганидек, илмга қарши эмас. Балки Ислом уйғониш учун барча моддий воситалардан фойдаланиш ва илм ўқишига қизиктиради. Биз илм деганда тажриба, мулоҳаза ва хуносалардан келиб чиқсан илмни кўзда тутяпмиз. Бу илмлар ва уларнинг қўлланмалари бирор ҳалқ ёки динга хос бўлмаган умумий илмлардир. Агар шахс, жамият ва давлат учун керак бўлса уларни оламиз ва ривожлантиришга ҳаракат қиласиз. Айниқса, бу илмлар жамиятни ҳимоя қилишда қўл келса ва давлатнинг ҳайбатини оширса уларни сўзсиз ўрганамиз. Аммо уларнинг ичида шариат қайтарганларини олмаймиз. Бундан ташқари, Ислом ўз сақофатига эга бўлиб, уни бошқалардан олмайди. Ғарб ҳаёт ҳақидаги дунёқарашга таъсир ўтказадиган билимлар мажмуасини ташкил этган ўз сақофатини сингдиришга ҳаракат қилди. Бу ишда унинг сақофатидан тасирланганлар ҳам жонбозлик кўрсатишиди. Улар буни илм номи остида адаштириш, қўрқитиш ва қизиктириш орқали киргизишига ҳаракат қилишди. Лекин бу ишда муваффақиятга эришишмади ва бундан кейин ҳам эриша олмайди.

Демократия, жумхурият, фуқаролик давлати, социализм ҳамда социология ва психология, каби илм деб номлашга нолойиқ бўлган жамият ва инсон сулуки ҳақидаги сақофат ва назариялар шулар жумласидандир. Чунки илмда қарама-қаршилик характери йўқ. Инсоннинг яшаш тарзи ва уни муолажа қилиш кайфиятини белгилаш учун инсонни моддий ўрганиш илмий баҳс эмас. Бу яна инсон жисми аъзоларини муолажа қиладиган тиббиёт илми ва анатомия илми ҳам эмас. Шунингдек илм, деб номлашга нолойиқ бўлган социология ва психология илмлари баҳс юритаётган инсоннинг яшаш тарзини муолажа қилишга хос илм ҳам эмас. Қолаверса, бу иккиси ҳар бир дин ва ҳалққа хос сақофатdir.

Бу ерда яна модомики илм умумий ва ўрганиш керак бўлган иш экан, илм ўрганиш ва илмий уйғонишга чақираётган чақириқлар бор. Тўғри, Уммат илм ўрганиши, бошқаларга муҳтож бўлмаслик учун унинг сабабларини олиш ва ҳаётининг турли ишларида унга боғланиши лозим. Лекин бу ерда бир савол бор: Мана шу ишларга тўсқинлик қилаётганлар ўз маҳсулотларига юртларимизни бозор қилаётган, ўз тажрибаларига юртларимизни майдон қилаётган ва ўз сиёsatларига бизни қул қилаётган мустамлакачи давлатлар эмасми? Ўзларига хос сақофатни куч билан киритиб, бутун олам учун умумий илмни ўрганишдан бизни тўсаётган Ғарб давлатлари эмасми? Ироқ давлати саноат ҳақида бош қотириб, илм ўрганиш тўғрисида фикр юритган пайтда унга зарба берган ким?

Ваҳоланки, Баас режими Исломдан узоқ ва унга алоқаси йўқ режим эди. Бугун исломий юртларни илм карвонига кўшилиш ва унинг сабабларини ушлашдан қайтараётганлар ким? Улар бизга ўзларининг ифлос сақофатини куч билан киритиб, тўғри илмдан бизни тўсаётган давлатлар эмасми?

Фарбга итоаткор ҳокимлар Умматни уларнинг ҳукмронлиги остига ташлаб қўйишига ва бойликларини талон-тарож қилишига мустамлакачи Ғарб давлатлари сабабчи эмасми? Шунингдек илм соҳасида ишлаётган олимларга қарши курашиб, уларни сургун қилишини ўргатаётган, натижада Уммат илмга муҳтож бўла туриб, уларни ўз илми билан Ғарбга хизмат қилишга мажбур қилаётган Ғарб давлатлари эмасми?

Амалий фанлар билан шуғулланадиган олимлар уларни ҳимоя қиладиган, уларга муҳит ва воситаларни тайёрлаб берадиган, асосий эҳтиёжларини қондирадиган маош билан уларни таъминлайдиган, камолий эҳтиёжларини қондириш учун имконият яратиб берадиган давлатга муҳтождир. Шунингдек, улар Умматга кифоя қиладиган, азизлик ва мустақиллигини рӯёбга чиқарадиган ихтиrolарни амалга оширишлари учун имконият яратиб берадиган давлатга муҳтождир. Мана шу нарса Умматни ҳатто бир бурда нонига ҳукмронлик қилаётган душмани қўлида гаров бўлиб қолишидан сақлади. Бу давлат солик йигувчи эмас, ишларни бошқарувчи давлат бўлади. Пайғамбарлик минхожи асосидаги рошид Халифалик давлати ишларни бошқарувчи давлат бўлади. Уммат фарзандларидан етишиб чиқкан олимлар ўша давлат ақидасини қабул қиласи ҳамда зулм ва ҳуқуқлар поймол қилинишидан кўрқмайди. Бугун эса, улар ўз ақидаларига зид ақидаларни қабул қилишга мажбурлаётган ёки динни ибодат ва ахлоққа чеклаётган давлатларда сарсон бўлиб юришибди. Қанчадан қанча ғарблик олимлар борки улар ҳақиқатни англаганларидан кейин Исломни қабул қилишган. Лекин улар ўзларини илмоний давлатлари томонидан қатл, ёки азоблаш ёки босимга йўликишган.

Ғарб уйғонди, лекин унинг ичи ковак эди. Унда маданият, илм ва саноат ўзининг моддий шакллари билан намоён бўлди. Лекин булар инсоният, унинг дини, қийматлари ва ахлоқи эвазига бўлди. Бу эса, инсонни ишлаб чиқариш қуролларига қул қилди. Балки у ишлаб чиқарувчи қуролга айланди. Натижада, ишлаб чиқарган маҳсулоти ва келтирган манфаатига қараб тақдирланадиган бўлди. Инсон бир бурда нонга факат ишлаб чиқарувчи бўлсагина эришадиган бўлди. Ахлоқ, қадриятлар, раҳм-шафқат, бирдамлик,

оилавий алоқа ва бошқаларга ўрин қолмади. Улар қиймат деганда фақат моддий манфаатни тушунадиган бўлишди. Улар учун уйғониш асосий иш бўлиб, ҳатто ҳайвонларга ҳам тўғри келмайдиган жирканч капитализм бўладими ёки социализм бўладими фарқи йўқ эди.

Инсон маҳлуклар ичидаги энг афзали бўлиб, Аллоҳ ўз қўли билан яратиб, унга руҳидан нафҳа урган Одам  унинг отаси эди. Лекин гарбликлар инсонни ўзларининг ёввойи назариясига кўра маймундан пайдо бўлишини хоҳлашди.

Гарбона уйғониш инсониятни қатл қилди, бойликларини талонтарож қилди, кучидан фойдаланди, ахлоқка ва манфаатдан бошқа қийматга қарши курашди. Бугун эса, у гомосексуализм ва лесбиянкаликни қонунийлаштироқчи. Инсоният гарбликларнинг қонунлари ва заҳарланган ҳайвоний сақофати натижасида куламоқда. Гарбликларнинг бу каби ғайритабиий қиликларини ҳатто ҳайвонларнинг табиати ва фитратида учратмаганмиз.

Баъзилар хоҳлаётган уйғониш социализм асосидаги уйғонишми? Ёки капитализм асосидаги уйғонишми? Ёки инсоннинг инсонийлиги, ҳурмати, хавфсизлиги, ҳаётини ҳимоя қиласидиган ҳамда уни ўз яратувчисини рози қилиш ва Умматига хизмат қилиш учун фикрлаш, ишлаб чиқариш, тадаббур қилиш, назар юритишга қизиқтирадиган Ислом асосидаги тўғри уйғонишми?

Биз ва барча инсоният фақат ақлни қаноатлантирадиган ва фитратга мос келадиган дин билангина уйғонамиз. Бу эса, Аллоҳ Таоло саййидимиз Мұхаммад  га юборган Ислом динидир. Бу дин шахс, давлат ва жамиятнинг барчасини уйғотади. Шахс ҳақида айтадиган бўлсак, у Исломни тўла қаноат ва руҳий ундов билан маҳкам тутади. Қачон Ислом ҳаётнинг барча соҳаларида ақидаси ва низоми бир-биридан ажратилмаган ҳолда татбик этилса давлат ва жамиятда ҳам уйғониш бўлади. Мусулмонлар яна шуни билишлари лозимки, улар ўзларининг ақидаларидан келиб чиқмаган низомларни қабул қилиш билан уйғонмайдилар. Чунки айrim хокимлар исломий ҳалқларга уларнинг ақидасидан бўлмаган низомни зўрлаб киритишга ҳаракат қилишди, лекин муваффақиятсизликка юз тутишди.

На Мустафо Камол Туркияни оёққа турғиза олди ва на Жамол Абдунносир Мисрни. Улардан бошқа Аллоҳ ва Умматга хиёнат қилган хоинлар ҳам ҳеч нарса қила олмадилар. Улар уйғониш ҳақида қанчалик жар солишмасин, улар Фарбга ва унинг яшаш

тарзига эргашиш билан уйгонамиз дейишди. Лекин улар айтган уйгониш сароб бўлиб чиқди.

Ҳизб ут-Тахир ҳаётнинг барча соҳаларини муолажа қилиш учун Ислом асосидаги тўла уйғониш лойиҳасини кўтарди. Шунинг учун Ислом дини асосида уйғонишни истаётгандар Ҳизб йигитлари сафига қўшилсин. Кимда бошқа лойиҳа бўлса, уни кўрсатсин, унинг асоси, тафсилотлари ва нималардан таркиб топганини кўрайлик. Ақида ва низомдан иборат Ислом лойиҳасидан бошқасига мусулмонлар ҳаётида ўрин йўқ.

﴿وَقُلْ أَعْمَلُوا فَسَيَرِى اللَّهُ عَمَلَكُمْ وَرَسُولُهُ وَالْمُؤْمِنُونَ﴾

«Айтинг: Амални қилинглар. Бас, Аллоҳ, Унинг пайғамбари ва мўминлар қилган амалларингизни кўриб турар» [Тавба 105] □

Тереза Мэй яхудийларни химоя қилиш ва «Исроил» хавфсизлигини сақлашга қарор қилди

2018 йил 18 сентябрда «Исроил» барпо бўлганининг 70 йиллиги муносабати билан яхудийлар жамоаси ўтказган байрамда Британия бош вазири Тереза Мэй маъруза қилди. Маърузасида Бирлашган Қиролликни «Britain & Exit (Британияни Евроиттифоқдан чиқиши)дан сўнг Исроил билан савдо айирбошлини мустаҳкамлашга ва уни ўз-ўзини химоя қилиши учун қўллаб-кувватлаш»га чақирди. «Мен жамиятимизда баъзи яхудийларнинг келажакдан хавфсираётганини биламан. Буни «The Jewish Chronicle» журналининг биринчи бетида ўқидим ва кўнглим бузилиб кетди. Чунки баъзи бир кимсаларда мана шундай тасаввур бор», деди Мэй. У баъзилар, деганда Лейбористлар партияси етакчиси Жереми Корбинга ишора қилмоқда. Маълумки, Корбин 2017 йил Бальфор декларациясининг юз йиллигини нишонланишини бойкот қилган бўлиб, бу нарса партия ичкарисидаги ташқарисидаги яхудийларнинг, хусусан, Лондондаги «Исроил» лоббисининг ғазабланишига, Корбиннинг «антисемитист» бўлгани эътиборидан, унга қарши кампания бошланишига сабаб бўлган эди. Яхудийларнинг ушбу «The Jewish Chronicle» газетаси нашрига кўра, британиялик яхудийлар ўртасида ўтказилган сўров натижасига кўра, улардан 40 фоизи – агар Корбин бош вазир бўлса – «Исроил»га кўчишни исташларини айтган.

Мэй ўзининг хукумати «холокост хотирасини халқаро мотам килиб биринчи бўлиб белгилаганлардан» эканини таъкидлади. Сўнг «Исроил қадриятларни химоя қилиш» борасида яхудийлар менга суюнишлари мумкин, деди. Мэй «Модомики, барчамиз ишонган қадриятларни химоя қилмоғимиз лозим экан, демак, яхудийларга ўзларининг ҳам британияликлар, ҳам яхудийлар, ҳам сионистлар сифатида кимликлари билан фахрланишларига имкон беришимиш даркор. Бунга ҳеч қандай эътиroz йўқ ва кимнингдир «эътиroz бўлиши керак», дейишига йўл қўймаймиз», дея сўзини тамомлади.

Ал-Ваъй: Британия Мусулмонларнинг бош муаммолари бўлмиш Фаластин масаласида ҳам, ундан олдин мусулмонларнинг асосий муаммоси бўлмиш Халифаликни қулатилиши масаласида ҳам барча ёвузылклар ва балоларни онаси бўлган ва ҳамон шундай

| ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ | قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мұжынлар ҳеч шак-шубҳасız оға-инилардір» | ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ |
|---|---|-----------------------------------|
| бўлиб турибди. Бу давлат мусулмонларни ҳар доимги ашаддий душманидир. | | |
| Санди Таймс: Британиянинг собиқ Ташқи ишлар вазири Борис Жонсоннинг Исломга берган душманона изоҳи | | |
| <p>Британия собиқ Ташқи ишлар вазири Борис Жонсоннинг Британияда чиқадиган Дейли телеграф газетасига берган интервьюсида ниқобли муслималарни «почта қутиси»га ва «банклар ўғрилари»га ўхшатиши шов-шуввларга сабаб бўлди. Газета веб-сайти Исломга қарши изоҳ тарқатиб ётган миллатчи блоггерлар инига айланди... барчаси Британияда Исломнинг тақиқланишини, мусулмонларни бу юртдан чиқариб юборилишини талаб қилувчи изоҳлар қолдириши... Ҳатто Лондон шаҳри мэри Содик Хонга ҳам таҳқирлов тошлари тегмай қолмади. Газетада изоҳ қолдирувчилардан бирининг «Британия ҳукуматида ҳам, полициясида ҳам, армиясида ҳам мусулмонларга ўрин йўқ», деган изоҳи нашр қилинди. Изоҳлар орасида ўзига исломофоб, дея ном қўйиб олган яна бир блоггер «Уларга ишониш жиннилиқдир. Чунки улар бизга қарши инқилоб қилиш учун жиҳод сигналини кутиб туришибди», деди. Лондондаги Оксфорд ва Кембриждан депутат «Яша Борис, сенда бу ифлос мусулмонлардан халос бўлишга етарли куч бор, Эноҳ Пауэлл ҳам бу ярамас хотинбозлардан бутунлай қутулишни истаган», дея изоҳ қолдириди. Бу ерда депутат Пауэллнинг ўтган асрнинг етмишинчи йилларида мусулмон муҳожирларга қарши курашга чақирган маърузасига ишора қиласпти. Депутат Якоб Рейсмуг терговни «сохта судлов», деб атади. Бу гапи билан у судловдан мақсад Жонсонни Консерваторлар партиясига раҳбар бўлишига йўл қўймасликка ишора қилди.</p> | | |
| <p>Ал-Ваъй: Европа ва олам бўйлаб тарқалган ва «исломофобия», дейилаётган бу ҳолат Ғарб ва яхудийлар томонидан қасдан уюштирилмоқда. Чунки улар Исломни қайта бошқарувга келишидан қўркишяпти.</p> | | |
| Эрон Афғонистонда ҳам Ҳизбуллоҳ копиясини яратмоқчи | | |
| <p>Афғонистонда Эрон раҳнамолиги остида афғон шиалари тармоғи аста секин шакллана бошлади. Уни «Афғон Ҳизбуллоҳи», дея аталадиган трансчегараవий йирик шиа лойиҳасига асос қилиш кўзланган. Францияда чиқадиган Ле Фигаро газетасининг Қобулдаги мухбири Марго Бен ўз мақоласида пойтахт Қобулда</p> | | |


| ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ | قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يُظْلِمُهُ وَلَا يَخْدُلُهُ وَلَا يَبْخَرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилимайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди» | ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ |
|---|---|-----------------------------------|
| <p>ўтган июл ойида бўлиб ўтган анжуман айни шу лойиҳага қаратилганини маълум қиласди. Анжумандада Эрон томонидан, эронлик муллолардан бир вакил, Эрон Инқилоб гвардиясидан яна бир вакил, бир профессор ва бир талабадан иборат Эрон университетидан икки вакилни ўз ичига олган делегация катнашди. Афғонистон томонидан эса, обдан саралаб олинган беш нафар афғон ёшлари, жумладан, баъзилари Эронда таълим олиб, турли соҳаларда ишлаётган ёшлар катнашди. Бу ва бошқа кичик гурухлардан айни ҳизбнинг «биринчи ячейкаси»ни тузиш мақсад қилинган.</p> | | |
| <p>Марго анжуман қатнашчиларидан бирининг «Биз «Афғон Ҳизбуллоҳи» номли трансчегараий шиа лойиҳага уруғ экяпмиз», деган сўзларини келтиради. Маргонинг фикрича, Эрон Техронда машқдан ўтказилиб, Сурияда жанг қилишга юборилган афғон шиаларидан иборат «фотимиyllар» бригадасидан ушбу янги Ҳизбга ядро яратиш ҳақида фикрламоқда.</p> | | |
| <p>Ал-Ваъй: Эрон давлати ҳақиқатдан бутунлай йироқ бўлган тарихий қасос ва интиқом, деган нарсани ўзига шиор қилиб олиб, Ислом ва мусулмонларга карши душманлик позициясида турибди. У бу йўлда кофир Фарб ва АҚШнинг Исломга ва Исломнинг ҳаёт майдонига қайтишига бўлган душманлигидан фойдаланяпти. Бир вақтнинг ўзида, Кўшма Штатларнинг мустамлакачилик мақсадларининг рӯёбга чиқишига хизмат қилмоқда... Буларнинг кўзи очилармикин?!</p> | | |
| <p style="text-align: center;">Таймс: Америка Афғонистон урушини «хусусийлаштиримоқчи»... қандай қилиб?</p> | | |
| <p>Британиянинг Таймс газетасида дипломатик масалалар бўйича маҳсус мухбир Кэтрин Филипнинг «АҚШнинг Афғонистон урушини «хусусийлаштириш» режаси» номли мақоласи чоп этилди. Ал-Арабий 21 томонидан таржима қилинган ушбу мақолада АҚШ президенти Доналд Трампнинг Афғонистондаги Америка маҳсус хавфсизлик кучларини алмаштириш масаласини кўриб чиқаётгани айтилади. Филип айни мафкура ортида тургани айтилаётган машҳур Эрик Принснинг сўзларини келтиради. У – ўтган йили Пентагон ўзининг Афғонистондаги стратегиясини қайта кўриб чиқиб, Афғонистон урушини хусусийлаштириш лозимлигига оид қарор қабул қилган эди. Аммо бу қарорни қабул қилмагани учун Трамп афсусланди, деди. Маълумки, Принс АҚШнинг Ироқ ва Афғонистонда ифлос тарих ва қора рўйхат</p> | | |

| ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ | قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир» | ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ |
|--|---|-----------------------------------|
| колдираётган «Blackwater» жосуслик хизматининг асосчиси ҳисобланади. | | |
| Мақолада Принснинг мана бу сўзлари келтирилади: «Мен АҚШ президентининг Афғонистондаги режасини қайта кўриб чиқаётганини билдим. У АҚШнинг Афғонистондаги ҳарбий кучлари қўймондони генерал Жон Николсонни ишдан олиб, ўрнига маҳсус амалиётлар бўйича мутахассис бўлган истеъфодаги генерал Скот Миллерни тайинлабди». У Миллер ҳақида «Мен уни ўхшиши йўқ шахс, дея ҳисоблайман ҳамда ишлар оқимига ўзгартиш киритиш учун унинг Афғонистонга АҚШ президенти томонидан вакил сифатида юборилганига аминман», деди. | | |
| Мақола муаллифига кўра, Принс режаси бўйича, Афғонистондаги 15 минг АҚШ кучлари олиб чиқилади ва ўрнига 8 минг маҳсус кучлар жойлаштирилади. Бу кучлар ҳаво мудофааси қўллаб-қувватлови остида аффон кучлари билан биргаликда ҳаракат қиласи. Шунингдек, Кэтриннинг таъкидлашича, Принс айни ўзгартиш АҚШ томонидан 70 миллиард доллардан иборат урушга сарфланаётган йиллик мудофаа бюджетини камайишига хисса қўшади, дея бу масалани муҳокама қилмоқда. | | |
| Ал-Ваъй: Америка дунёдаги биринчи мустамлакачи давлатdir. Унинг энг биринчи душмани эса, Исломдир. У мусулмонларни бевосита ёки билвосита ҳамда ҳеч қандай сабабсиз қирғин қилмоқда ва бу ишда ўзига жуда эрк бериб юборди... Ҳеч шубҳа йўқки, унинг ўзи ҳам, цивилизацияси ҳам заволга юз тутиши муҳаққақ. | | |
| Жўлондаги реклама кампанияси: Асад ғалаба қозонди! Яна бизга келиб дам олишингиз мумкин! | | |
| «Исройл» хукумати яқинда ўзининг ахборот воситалари ва ижтимоий алоқа веб-сайтлари орқали «исроиллик»ларни Жўлон тепалигини қайта зиёрат қилишга даъват қилувчи реклама кампаниясини бошлади. Суриядаги уруш сабабли Жўлон тепалигига сайёҳ ва дам олувчиларнинг келиши тўхтаб қолган эди. Рекламаларда Асаднинг ғалаба қозонгани, шу боис Жўлон тепалигидаги саёҳат манзилгоҳларини қайта зиёрат қилиш мумкинлиги айтилган. «Макор Ришон» сайтида айни кампанияга доир ўтказилган сұхбатда Жўлон вилоят кенгашидаги туризм бўйича масъул Шмулик Хазан бундай деди: «Узоқ вақт бекарорликни бошдан кечирдик... оддий ҳаётда кун кечираётib, бирдан сиреналар, портлашлар ва ўқ овозларини эшитадиган | | |

| ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ | قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يُظْلِمُهُ وَلَا يَخْدُلُهُ وَلَا يَبْخُرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилимайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди» | ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ |
|---|---|-----------------------------------|
| <p>бўлиб қолдик... Аммо бугун Асад ғалабаси ортидан қайта тинчликка эришдик, бу Жўлонга қайта сайёҳлар ташриф буюришларига яроқли тинч палладир. Етти йиллик нотинчлик ниҳоясига етди». Яна бундай қўшимча қилди: «Бу рекламадан мақсад, Жўлонга қайта ҳаётбахш этилганини ва биз сайёҳларга мунтазир эканимизни, энди хавотирга ўрин қолмаганини эслатишдир».</p> | | |
| <p>Ал-Ваъй: Эй босқинчи яхудийлар, мусулмонлар томирида Ислом қони оқиб турар экан, сизларга ҳаргиз тинчлик бўлмайди ва бу Аллоҳ Таолонинг изни ила, тоабад шундай бўлиб қолажак:</p> | | |
| <p style="text-align: center;">﴿وَإِنْ عُذْتُمْ عُذْنَا وَجَعَلْنَا جَهَنَّمَ لِلْكَفَرِينَ حَصِيرًا﴾</p> | | |
| <p>«Агар (яна бузгунчиликка) қайтсангизлар, биз ҳам (сизларни ҳалок этишига) қайтурмиз. Биз кофирлар учун жаҳаннамни зиндан қилиб қўйганмиз»</p> | | |
| <p style="text-align: right;">[Исро 8]</p> | | |
| <p>Россия Вагнери Суриядаго доимий база очмоқда</p> | | |
| <p>«Нидо Сурия» тармоғининг маълум қилишича, Россияга карашли «Вагнер» маҳсус ҳарбий ширкати Россия давлатининг қўллаб-қувватлови остида Суриядаго «доимий» ҳарбий база очмоқда. Тармоққа кўра, база Хомснинг шарқий қисмида, шаҳар марказида, нефт ва газ ишлаб чиқарувчи ҳудудларга яқин жойда очилади. Маълумки, Россия мудофаа қилиш даъвоси билан нефт ва газ иншоатларини эгаллаб олган. Асад режимидан ажралиб чиққан молия инспектори Мунзир Мухаммад, рус хавфсизлик ширкатларининг Суриядаго жойлашишини Москва истаги асосида бўлганини ва бундан Суриядаги уруш оловини пасайтириш қўзланганини айтади. «Вагнер» Россиянинг Суриядаги қатли ом қилувчи қатор ширкатларидан биттаси бўлиб, Москва фойдасига жанг қиласетган юзлаб ёлланма аскарларни йиғиши ва сафарбар қилиш билан шуғулланади. Бу ширкат «Т-90» русумли танклар ва аскарлар билан таъминланган. Аскарлар асосан, ёлланма аскарлар, собиқ жиноятчилар ҳамда запасдаги ҳарбийларни ташкил қилади. Россия томонидан дўстона кучлар, дея баҳоланувчи бу аскарларга Россия разведка зобитлари қўмондонлик қилади ва тўғридан-тўғри Россия буйруқлари асосида харакатланади. Матбуот манбаларига кўра, «Вагнер» ширкати 2015 йилдан буён Суриядаги жанг қилишга 3 мингдан зиёд қўнгиллиларни жалб қила олди. Ундаги ҳар бир ҳарбий жангчи жангда – қандай иштирок этишига қараб – 1500 доллардан 5000 долларгача ойлик олади. Жорий йил февралда</p> | | |

| | | |
|--|---|-----------------------------------|
| ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ | قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мұмиллар ҳеч шак-шубҳасыз оға-инилардір» | ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ |
| <p>Россия Сурияда Дайруз Зурдаги режимга қарашли ҳарбий базага қилинган Америка ҳаво ҳужумларыда рус фуқаролари ўлганини илк бор эътироф этди. Бу билан «Вагнер» ширкатидаги ёлланма ҳарбийларнинг ўлдирилганига ишора қиласыпты. Бу аксари курдларни ташкил этәтган ва Вашингтон томонидан қўллаб-кувватланаётган Сурия Демократик Кучлари (Қасад) назорати остидаги нефт ҳудудлари устидан «Вагнер»нинг назорат ўрнатишини олдини олиш учун қилинган ҳужумлар эди.</p> <p>Ал-Ваъй: Россиянинг «Вагнер»и бўладими, Американинг «Blackwater»и бўладими, фарқсиз, булар норасмий ўлим ширкатлари бўлиб, барчасининг ортида малъун давлатлари ва ифлос вазифаларни топшириб турадиган жосуслик етакчилари туради. Дарҳақиқат уларнинг ифлос вазифалари исломий юртлардаги мусулмонларни ўлдиришдан иборатдир. □</p> | | |

ҚУРЬОНИ КАРИМ СУҲБАТИДА



﴿ أَلَمْ تَرِ إِلَى الَّذِينَ حَرَجُوا مِنْ دِيَرِهِمْ وَهُمْ أُلُوفٌ حَدَرَ الْمَوْتَ فَقَالَ لَهُمُ اللَّهُ مُوتُوا ثُمَّ أَحْيِهُمْ إِنَّ اللَّهَ لَذُو فَضْلٍ عَلَى النَّاسِ وَلَكُنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَشْكُرُونَ ﴾ وَقَاتَلُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَأَعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ سَيِّعُ عَلِيهِمْ مَمْنَ ذَا الَّذِي يُقْرِضُ اللَّهَ قَرْضًا حَسَنَا فَيُضَعِّفُهُ لَهُ أَضْعَافًا كَثِيرَةً وَاللَّهُ يَقْبِضُ وَبَيْصُطُ وَإِلَيْهِ تُرْجَعُونَ ﴾

«243. Ўлимдан (яъни вабога йўлиқишидан) қочиб, ўз диёрларидан чиқсан мингларча кишининг ҳоли-хабарини билмадингизми? Бас, Аллоҳ уларга «Ўлинглар!» — деди. Сўнгра уларга ҳаёт ато қилди. Албатта Аллоҳ одамларга фазлу карам қилгувчиdir. Лекин жуда кўп одамлар шукр қилмайдилар. 244. Аллоҳ йўлида жанг қилингиз ва билингизки, албатта Аллоҳ эшитгувчи, билгувчиdir. 245. Аллоҳга қарзи ҳасана (ихтиёрий қарз) берадиган ким борки, (Аллоҳ) унга бир неча баробар қилиб қайтарса. Ҳолбуки, (ризқингизни) тор ва кенг қиладиган Аллоҳdir. Ва унга қайтарилажаксиз» [Бақара 243-245]

Ҳизб ут-Таҳрир амири Ато ибн Халил Абу Роштанинг (у кишини Аллоҳ хифзу химоясида асрасин) «Тайсир фи Усулит Тафсир» номли китобида қуйидагича келади:

Бу оятларда қуйидагилар баён қилингани:

1 – Аллоҳ Таоло Пайғамбар ﷺ ва мўминларга хитоб қилиб, уларни сонлари минг-минглаб бўлишига қарамасдан ватанларига бостириб келаётган душман билан жанг қилишдан қўрқиб ватанларини ташлаб қочган, тинч жой деб ўйлаган ерларига етиб борганларидан кейин эса тўсатдан ўша ўзлари қочиб бораётган ўлимнинг рўбарўсидан чиқсан кимсалардан ибрат олишга чақиради. Уларни Аллоҳ бир муддатдан кейин яна тирилтириди. Токи, улар Ўлдирувчи ҳам, Тирилтирувчи ҳам Аллоҳ эканини,

ажаллари келиб қолса, уни бир соатта ҳам тезлата ёки кечиктира олмасликларини билиб қўйсинлар.

Бу ерда мўминларни Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилишга ундаш бор. Ўлимдан қочиб қутулиб бўлмаслигини кўрсатиш бор.

﴿إِنَّمَا تَكُونُوا يُدْرِكُكُمُ الْمَوْتُ وَلَوْ كُنْتُمْ فِي بُرُوجٍ مُّشَيَّدَةً﴾

«Қаерда бўлсангиз, ҳатто мустаҳкам қалъалар ичидагиз ҳам ўлим сизларни топиб олур» [Нисо 78]

Токи, мўмин икки гўзалликнинг бирига ноил бўлиш учун жангга ошиқсин, қўрқоқ, қочқин бўлмасин, жангдан қочиш ажални даф қила олмаслигини англасин.

﴿الَّذِينَ قَاتَلُوا لِأَحْوَاهِهِمْ وَقَعُدُوا لَوْ أَطَاعُونَا مَا قُتِلُواْ قُلْ فَادْرُءُوا عَنْ أَنفُسِكُمُ الْمَوْتَ﴾

إنْ كُنْتُمْ صَدِيقِينَ

«(Эй Муҳаммад), ўша ўзлари ўтириб олиб дўстлари ҳақида: «Агар бизнинг гапимизга кириб (жанг қилишидан бош тортганларида) ўлдирилмаган бўлар эдилар», дейдиган кимсаларга: «Агар айтган гапларингиз рост бўлса, ўзларингдан ўлимни даф қилингларчи», деб айтинг!» [Оли Имрон 168]

Аллоҳ Таоло оятнинг яқунида Ўзининг одамларга нисбатан марҳаматли Зот эканини, уларга масаллар зарб қилиб беришини, уларга Ўзининг оятларини эслатишини, дунёю охират зафарига олиб борадиган йўлни кўрсатиб беришини, шунга қарамасдан, ибратланувчилар озлигини баён қиляпти.

﴿إِنَّ اللَّهَ لَذُو فَضْلِ عَلَى النَّاسِ وَلَكُنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَشْكُرُونَ﴾

«Албатта Аллоҳ одамларга фазлу карам қилгувчиидир. Лекин жуда кўп одамлар шукр қилмайдилар» [Бакара 243]

(**Аллоҳ билмадингизми**), бу ерда сўроқ гап тан олдириш ва ажабланиш маъносида қўлланяпти. Масалан, кимдир бир ҳақиқатни ўз кўзи билан аниқ кўради. Сиз унга ўша кўрганини айтасиз. Бу билан унга кўрганлигини тан олдирасиз ёки ажабланганлигинизни билдирасиз. Шунингдек, бир одамга бир ҳақиқатни агар аниқ кўрадиган бўлса, қандай бўлишини англашиб, ҳис қилдириш учун ҳам шундай гапни ишлатасиз. Бу ерда ҳам худди шундай. Аллоҳ Таоло Ўз пайғамбари Муҳаммад  зарбул-масал бўлган бир қавм ҳақида хабар беряпти. Токи, уларнинг ахволини кўз ўнгиларига келтириб, улардан ибрат

олсинлар. Шунинг учун күриш маъносини англатувчи руъя сўзи жар қилувчи ҳарф билан мутааддийга, ўтимли феълга айланиб, идрок қилиш маъносини англатяпти.

﴿إِنَّمَا تَرَى﴾

Агар у ҳақиқий күриш маъносини англатганида жар қилувчи ҳарф билан мутааддийга айлантирилмаган бўларди. Балки ўз ҳолича мутааддий бўлган бўларди.

(**حَرَجُوا مِنْ دِيَرِهِمْ**) Аллоҳ Таоло уларнинг ўз диёларидан чиқсан кишилар)

Таоло уларнинг ўз диёларидан чиқиши сабабларини баён қилмади. Бу хусусда бир неча ривоятлар бор. Улардан айримлари Пайғамбар ﷺ га нисбат берилган. Ўшалардан бирида уларнинг касаллик яъни, вабо туфайли чиқиб кетганлари айтилган. Яна бирида эса душманга рўбарў келишдан кўрқиб чиқиб кетганлар, дейилган. Оят оқимига қараганда рожих гап шуки, улар ўзлари томон бостириб келаётган душмандан кўрқиб чиқиб кетганлар. Чунки кейинги оят жанг ҳақида сўзлаяпти.

﴿وَقَتَلُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ﴾

(**Аллоҳ йўлида жанг қилингиз**).

(**وَهُمْ أُلُوفٌ** мингларча). Бу гап уларнинг жуда кўп бўлганини кўрсатади. Яъни, уларнинг сони кўп бўлган. Лекин имонлари заиф бўлгани туфайли бостириб келаётган душмандан кўрқиб қочганлар. (**أُلُوفٌ**) сўзи жуда кўпни ифодалайдиган кўпликдир.

(**أَلَافٌ**) сўзи унча кўп бўлмаган кўпликни ифодалайди.

Уларнинг сони ҳақида бир неча ривоятлар бор. Лекин улар орасида собит санадлиги йўқ. Рожих гап шуки, улар ўн мингдан ортиқ бўлганлар. Чунки араблар минг сўзини ифодаловчи (**أَلَافٌ**) сўзининг кўплигини ўн баробардан кўп бўлмаса, (**أُلُوفٌ**) сўзи билан ифодаламайдилар, (**أَلَافٌ**) сўзи билангина ифодалайдилар.

(**أُلُوفٌ**) сўзи ўн мингдан ортиқ сонни ифодалайди. Шунинг учун уларнинг сони ҳақида гапирилганда улар ўн мингдан ортиқ бўлган, дейишдан нарига ўтолмаймиз.

(حَذَرَ الْمَوْتِ) яъни, ўлимдан қўрқиб, уруш майдонига кирсак, душман бизни ўлдиради, деган хавф билан.

2 – Бу муборак оятда Аллоҳ Таоло Аллоҳ йўлида жиҳод килишга буюряпти.

﴿وَقَاتَلُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَأَعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ عَلَيْهِمْ﴾

(*Аллоҳ йўлида жанг қилингиз ва билингизки, албатта Аллоҳ эшитгувчи, билгувчиидир*). Жанг сидқидилдан, ихлос билан, холис Худо учун бўлиши лозим. Риё, манфаат ёки хўжакўрсинга бўлмаслиги керак. Чунки Аллоҳ Таоло холис Ўзи учун қилинган жиҳоднигина қабул қиласи. Аллоҳнинг йўлидаги жиҳод Аллоҳ учун қилинган жиҳоддир.

«سَأَلَ رَسُولَ اللَّهِ عَنِ الْقِتَالِ أَيْهُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ؟ قَالَ: مَنْ قَاتَلَ لِتَكُونَ كَلِمَةَ اللَّهِ هِيَ عَلَيْهَا فَهُوَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ»

«Пайғамбар ~~ﷺ~~дан қандай уруш Аллоҳнинг йўлидаги жанг хисобланади, деб сўрадилар. У зот, Аллоҳнинг сўзи олий бўлиши учун курашган одамнинг жангига Аллоҳнинг йўлидаги жангдир, деб жавоб бердилар».¹ Аллоҳ хамма нарсани эшитгувчиидир. Ўзига ёрдам берган кишига ёрдам беради. Хамма нарсани билгувчиидир. Ниятнинг тўғри ёки нотўғрилигини, холис ёки нохолислигини билади. У Зот учун ҳеч нарса маҳфий эмас.

3 – Шундан кейин Аллоҳ мўминларни Аллоҳнинг йўлида, жиҳод йўлида инфоқ қилишга ундаяпти. Бу ишнинг савоби улуғлигини, уни қилган киши худди Аллоҳни қарздор қилиб қўйгандек бўлишини билдирияпти.

Инфоқ қилган одам молим бекор кетди, деб хавотирланмасин. Чунки ризқни чеклаб берадиган ҳам, кенг қилиб берадиган ҳам Аллоҳдир. У Зот банданинг қилган сарфига яраша қайтаради.

«مَا مِنْ يَوْمٍ إِلَّا يَنْزِلُ مَلَكٌ بِأَمْرِ اللَّهِ لِيُعْطِي مُنْفِقاً خَلَفًا وَمُمْسِكًا تَلَفًا»

«Бирор қун йўқки, Аллоҳнинг фармони ила (осмондан) бир фаришта тушиб, мунфиққа халаф, мумсикка талаф бермаса».² (Мунфиқ – инфоқ қилгувчи, сарфлагувчи. Халаф – қилинган яхшиликка яраша жавоб, ўринбосар, эваз, бадал ва ҳоказо. Мумсик – бахил, зиқна, хасис. Талаф – талофат, йўқ бўлиш, емирилиш).

⁽¹⁾ Бухорий: 120, 2599. Муслим: 3525.

⁽²⁾ Бухорий: 1374. Муслим: 1019. Ахмад: 2/305. Ибн Ҳиббон: 2/462.

Бундан ташқари охиратда жуда катта ажр бор. У бир қуники у кунда одамлар Роббиларига қайтариладилар.

﴿وَاللَّهُ يَقْبِضُ وَإِلَيْهِ تُرْجَعُونَ﴾

(Холбуки, (ризқингизни) төр ва кенг қиласынан Аллоҳдир. Ва унга қайтарила жасызыз).

﴿مَنْ ذَا الَّذِي يُقْرِضُ اللَّهَ قَرْضًا حَسَنًا فَيَضْعِفُهُ لَهُ أَصْعَافًا كَثِيرَةً﴾

(Аллоҳга қарзи ҳасана (ихтиёрий қарз) берадиган ким борки, (Аллоҳ) унга бир неча баробар қилиб қайтарса). Яғни, Аллоҳга ўз ихтиёри билан қарз берадиган одам борми? Агар бўлса, Аллоҳ унинг қарзини бир неча баробар қилиб қайтаради. Бу ерда бир неча баробар қилиш қайтариш маъносини англатувчи (يضاعفه) сўзи истифҳом жавоби ўлароқ насл ҳолатида келяпти. Аканг ким, уни хурмат қилай, дейсиз. Фасиҳ қовлда агар атф қилинадиган келаси замон феъли келмаган бўлса, истифҳомнинг шартига фо киради ва насл ўқилади.

Абу Хотам Ибн Умардан ривоят қиласи:

﴿مَثُلُ الَّذِينَ يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ كَمَثُلٍ حَبَّةٌ أَبْتَتْ سَبَعَ سَنَابِلَ﴾

«Аллоҳ йўлида молларини инфоқ-эҳсон қиласынан кишиларнинг мисоли худди еттита бошоқни ундириб чиқарган бир дона донга ўҳшайди» [Бақара 261]

ояти нозил бўлгач, Пайғамбар ﷺ, رَبِّ زُدْ أَمْتَى «Парвардигоро, Умматимга зиёда қилгин», дедилар.¹

﴿مَنْ ذَا الَّذِي يُقْرِضُ اللَّهَ قَرْضًا حَسَنًا﴾

ояти нозил бўлганидан кейин ҳам, «Парвардигоро, Умматимга зиёда қилгин», дедилар. Шунда

﴿إِنَّمَا يُؤْكَلُ الصَّابِرُونَ أَجْرَهُمْ بِغَيْرِ حِسَابٍ﴾

«Хеч шак-шубҳа йўқки, сабр-тоқат қилгувчиларга ажр-мукофотлари ҳисоб-китобсиз тўла-тўкис қилиб берилур» [Зумар 10] ояти нозил бўлди.

Холис Худо учун Пайғамбар ﷺ га садоқат билан Аллоҳнинг йўлида қилинган сарфга, инфоқка бериладиган савоб жуда улуғ савобдир.

⁽¹⁾ Ибн Ҳиббон: 10/550.

(وَاللَّهُ يَقْبِضُ وَيَعْصِطُ) яъни, ризқни чеклаб берадиган ҳам, кенг килиб берадиган ҳам Аллоҳдир. Шунинг учун мүминлар ер юзида ризқ учун ҳаракат қиласынан да, Аллоҳнинг тақсимотига қониққан ҳолларида күнгиллари хотиржам бўлади. Зоро, ризқ Аллоҳнинг қўлидадир.

﴿إِنَّ اللَّهَ هُوَ الْرَّزَاقُ ذُو الْقُوَّةِ الْمَتِينُ﴾

«Зоро Аллоҳнинг Ўзигина (барча ҳалоиққа) ризқу рўз бергувчи, куч-кувват соҳиби ва қудратлидир» [Зарият 58] □

РАББОНИЙ УЛАМОЛАРНИНГ ҲУКМДОРЛАР ҚАРШИСИДАГИ ПОЗИЦИЯСИ ҲАМДА ЁВУЗ ПОЗИЦИЯНИ ЭГАЛЛАШДАН ҲУКМДОРЛАРНИ ОГОХ ЭТИШЛАРИ

Саҳобалар ва улардан кейинги салафи солиҳинлар ҳаёти айниңса уламоларнинг ҳаёти Аллоҳ ва Росулига итоат қилишда машъала бўлган. Улар Росууллоҳ сўзини фоят жиддий қабул қилиб, Росууллоҳ даврида ҳам, кейин ҳам шундай давом этдилар. Натижада уларнинг асри энг яхши аср дея сифатланиб, Пайғамбар ﷺ гўзал суратда эргашган кишилар, деган Росууллоҳнинг баҳосига лойик бўлдилар. Чамаси, уламоларнинг ҳукмдорларга нисбатан тутган позициялари уларнинг энг муҳим амаллари бўлса керак. Чунки уларнинг золим ҳукмдор мункарини қайтаргандар Аллоҳ наздида шаҳидларнинг саййидидир. Бу ҳақда Росууллоҳ ﷺ

«سَيِّدُ الشَّهَادَاءِ حَمْزَةُ بْنُ عَبْدِ الْمُطَّلِبِ، وَرَجُلٌ قَامَ إِلَى إِمامٍ جَائِرٍ فَأَمْرَهُ وَنَهَاهُ فَقَتَلَهُ»

«Шаҳидларнинг саййиди Ҳамза ибн Абдулмуттобидир ҳамда золим ҳокимни маъруфга буюриб, мункардан қайтариб, оқибатда ҳукмдор томонидан ўлдирилган кишидир», дея марҳамат қилганлар.

Саҳобаларнинг ҳамда улар йўлидан юриб, ўзларига уларни йўлчи юлдуз қилиб олган салафи солиҳинларнинг ушбу гўзал осорлари уламоларни сultonга кириш билан, ушбу йўлдан оғиб кетишдан огоҳ этади. Шунингдек, сарой уламоларига айланганларини ҳам огоҳликка чақиради. Зотан, бугун ундайлар жуда кўпни ташкил қиласиди. Фақат Аллоҳнинг марҳаматига учраганларгини ундей эмаслар, холос.

– Доримий ўзининг «Муснад»ида Ибн Масъуд ﷺдан ушбу ҳадисни ишлаб чиқди:

«مَنْ أَرَادَ أَنْ يُكْرَمَ دِينُهُ ، فَلَا يَدْخُلُنَّ عَلَى السُّلْطَانِ»

«Ким ўз динини ҳурмат қилишни истаса, бас, сulton олдига кирмасин».

– Байҳақий Ибн Масъуд ﷺдан ушбу ҳадисни ишлаб чиқди:

«إِنَّ عَلَى أَبْوَابِ السُّلْطَانِ فِتَنًا كَمَارِكِ الْأَيْلِ، لَا تُصِيبُونَ مِنْ ذُنُبِهِمْ شَيْئًا إِلَّا أَصَابُوا
مِنْ دِينِكُمْ مِثْلًا»

«Султон саройига бориш билан жуда катта фитналарга дуч келинади. Сизлар уларнинг дунёсига ҳеч қандай зиён етказа олмайсизлар. Лекин улар сизларнинг динингизга зиён етказа олурлар».

— Ибн Масъуд رضдан Бухорий ўзининг «Тарих» китобида, Ибн Саъд «Табақот» китобида ушбу ҳадисни ривоят килади:

«يَدْخُلُ الرَّجُلُ عَلَى السُّلْطَانِ وَمَعَهُ دِينُهُ، فَيَخْرُجُ وَمَا مَعَهُ شَيْءٌ»

«Киши султон саройига дини билан кириб, динсиз ахволда чиқади».

— Абдуллоҳ ибн Муборак роҳимаҳуллоҳ бундай дейди: «Ким илмда баҳиллик қилса, учта синовга учрайди: ё ўлиши билан илми тугайди, ё унутади ёки султон саройига кириш билан илми тамом бўлади».

— Абу Ҳозим Салама ибн Динор бундай дейди: «Амирларнинг яххиси, уламоларни яхши кўрган амирлардир, уламоларнинг ёмони, амирларни яхши кўрганларидир».

— Абу Асвад Дауалий бундай дейди: «Илмдек яхши нарса йўқ. Чунки подшоҳлар одамлар устидан хукмрондирлар, аммо уламолар эса, подшоҳлар устидан хукмрондир».

Сулаймон ибн Маҳрон роҳимаҳуллоҳ бундай дейди: «Амирларнинг ёмони уламолардан узоқ юрганидир, уламоларнинг ёмони амирларга яқин юрганидир».

Ибн Жавзий роҳимаҳуллоҳ айтади: «Султонлардан тийилиш ва уларга кўп аралашибдан сақланиш охират учун ишловчи уламолар сифатларидандир».

Хузайфа رض айтади: «Фитна жойларидан тийилинглар. У қандай жой, деб сўрашди. Айтдики: амирлар саройларидир. Бирингиз амир олдига киради-да, ёлғонини тасдиқлайди, воқеда йўқ нарсани гапиради».

Имом Газзолий роҳимаҳуллоҳнинг «Иҳё улумиддин» китобида бундай дейилади: «Фуқаролар бузилиши подшоҳлар бузилиши билан, уламолар бузилиши обрў ва мансабни севиши билан бўлади. Кимни дунёпаастлик

эгаллабдими, ҳатто паст кимсалардан ҳисоб сўролмай қолади... подшоҳ ва киборлардан ҳисоб сўрай олишини-ку айтмай қўя қолинг». Яна имом Ғаззолий роҳимаҳуллоҳ айтади: «Уламоларнинг маъруфга буюриб, мункардан қайтариш ҳамда сultonлар ғазабидан қўрқмасликдаги сийрат ва одатлари шундай эди. Нима учун, чунки улар Аллоҳ Таолонинг ўзи бизни саклайди, дея Унинг фазлига ишонгандар, Аллоҳнинг ҳукми, уларни шаҳидлик билан ризқлантиришдан иборат бўлишига рози бўлганлар. Мудом Аллоҳга холис ниятда бўлган эканлар, шунинг учун ҳам уларнинг сўзлари қаттиқ қалбларни эритиб, шафқатсизликдан фориғ қилди».

Имом Муслим Абу Хурайра رضдан ушбу ҳадисни ривоят қилади:

«إِنَّ أَوَّلَ النَّاسِ يُقْضَى بِيَوْمِ الْقِيَامَةِ عَلَيْهِ، رَجُلٌ اسْتُشْهَدَ، فَأَتَيْ بِهِ فَعَرَفَهُ نِعْمَةً فَعَرَفَهَا، قَالَ: فَمَا عَمِلْتَ فِيهَا؟ قَالَ: قَاتَلْتُ فِيكَ حَتَّى اسْتُشْهَدْتُ، قَالَ: كَذَبْتَ، وَلَكِنَّكَ قَاتَلْتَ لِأَنْ يُقَالَ جَرِيءٌ، فَقَدْ قِيلَ، مُمْأَرٌ بِهِ فَسُحْبَ عَلَى وَجْهِهِ حَتَّى أُلْقِيَ فِي النَّارِ، وَرَجُلٌ تَعْلَمَ الْعِلْمَ وَعَلَمْهُ وَقَرَا الْقُرْآنَ. فَأَتَيْ بِهِ، فَعَرَفَهُ نِعْمَةً فَعَرَفَهَا، قَالَ: فَمَا عَمِلْتَ فِيهَا؟ قَالَ: تَعَلَّمَتُ الْعِلْمَ وَعَلَمْتُهُ وَقَرَأْتُ فِيكَ الْقُرْآنَ، قَالَ: كَذَبْتَ، وَلَكِنَّكَ تَعَلَّمْتَ الْعِلْمَ لِيُقَالَ عَالِمٌ، وَقَرَأْتَ الْقُرْآنَ لِيُقَالَ هُوَ قَارِئٌ، فَقَدْ قِيلَ، مُمْأَرٌ بِهِ فَسُحْبَ عَلَى وَجْهِهِ حَتَّى أُلْقِيَ فِي النَّارِ. وَرَجُلٌ وَسَعَ اللَّهُ عَلَيْهِ وَأَعْطَاهُ مِنْ أَصْنَافِ الْمَالِ كُلَّهِ، فَأَتَيْ بِهِ فَعَرَفَهُ نِعْمَةً فَعَرَفَهَا قَالَ: فَمَا عَمِلْتَ فِيهَا؟ قَالَ: مَا تَرْكَتُ مِنْ سَبِيلٍ تُحِبُّ أَنْ يُنْفَقَ فِيهَا إِلَّا نَفَقْتُ فِيهَا لَكَ، قَالَ كَذَبْتَ، وَلَكِنَّكَ فَعَلْتَ لِيُقَالَ هُوَ جَوَادٌ، فَقَدْ قِيلَ، مُمْأَرٌ بِهِ فَسُحْبَ عَلَى وَجْهِهِ، مُمْأَرٌ أُلْقِيَ فِي النَّارِ»

«Қиёмат куни одамлар ичидаги энг аввал ҳукм қилинадиган киши шаҳид бўлган кишидир. Уни олиб келинади. Аллоҳ унга Ўз неъматларини эслатади. Банда уларни тан олади. Сўнг Аллоҳ: Уларнинг шукронасига нима амал қилдинг, деб сўрайди. Банда: То шаҳид бўлгунимга қадар сенинг йўлингда жанг қилдим, деб жавоб беради. Шунда Аллоҳ: Ёлғон айтяпсан, сен

одамлар жасур дейишлари учун жанг қилдинг ва дархақиқат, одамлар шундай дейишди ҳам, дейди. Сўнг буйруқ берилади, уни дўзахга ташлаш учун юзтубан ерга судраб, олиб кетилади. Кейин илм ўрганган ва уни ўргатган ҳамда Қуръон ўқиган кишини олиб келинади. Аллоҳ унга ҳам йўз неъматларини эслатади. Банда уларни тан олади. Сўнг Аллоҳ: Буларнинг шукронасига нима амал қилдинг, деб сўрайди. Банда: Сен учун илм ўргандим, уни бошқаларга ўргатдим ва Қуръон ўқидим, деб жавоб беради. Аллоҳ: ёлғон гапирдинг, сен одамлар илмли дейишлари учун илм ўргандинг, Қуръонни эса, одамлар қори, дейишлари учун ўқидинг, дархақиқат, одамлар шундай дейишди ҳам, дейди. Шундан сўнг буйруқ берилади, уни дўзахга ташлаш учун юзтубан ерга судраб, олиб кетилади. Шундан кейин Аллоҳ ризқини кенг қилиб берган, бойликнинг ҳамма туридан инъом қилган киши олиб келинади. Аллоҳ унга ҳам йўз неъматларини эслатади. Банда уларни тан олади. Сўнг Аллоҳ: Буларнинг шукронасига сен нима амал қилдинг, деб сўрайди. Банда: мол давлатни Сен хуш кўрган бирон йўлни қолдирмай, ҳаммасига Сен учун сарф қилдим, дейди. Аллоҳ – ёлғон айтяпсан, сен бу ишни одамлар сахий, деб айтишлари учун қилгансан, дархақиқат, одамлар шундай дейишди ҳам, дейди. Сўнг буйруқ берилади, уни дўзахга улоқтириш учун юзтубан ерга судраб олиб кетилади». □

УЛАРНИНГ ҲИДОЯТЛАРИГА ЭГРАШИНГ:

АБДУЛЛОҲ ИБН УММУ МАКТУМ ﷺ

[Аллоҳ Таоло бу кўзи ожиз инсон тўғрисида тиловат қилинган, тиловат қилинаётган ва қиёмат кунига қадар тиловат қилинажак ўн олтига оят нозил қилди]

Муфассирлар

Сарвари олам Мухаммад ﷺ нинг етти осмон тапасидан жуда қаттиқ маломат қилинишларига ва диллари оғришига сабаб бўлган бу киши ким ўзи?!

Жаброил ﷺ нинг суюкли Пайғамбаримиз ﷺ қалбларига Аллоҳдан ваҳи олиб келишига сабаб бўлган бу киши ким?!

Шубҳасиз, у Росулуллоҳ ﷺ нинг муаззини Абдуллоҳ ибн Умму Мактумдир.

Абдуллоҳ ибн Умму Мактум маккалик қурайшлик бўлиб, Росул ﷺ нинг қариндоши, яъни, мўминлар онаси Хадижа бинт Хувайлид ﷺ га холаваччадир. Отаси Қайс ибн Зоиддир. Онаси эса, Абдуллоҳни туғма кўзи ожиз қилиб туқсан ва шу туфайли уни Умму Мактум (ожизнинг онаси), дейилган.

Абдуллоҳ ибн Умму Мактум Макка узра нур таралишининг гувоҳи бўлди. Аллоҳ унинг қалбини имонга очди ва Исломга биринчи кирган зотлардан бири бўлди. Маккадаги мусулмонлар билан бирга бўлиш ва қурбонлик, фидоийлик, сабот ва сабр каби барча азоб-уқубатлар лаззатини тотиш баҳтига мұяссар бўлди. Асхоби киромлар Қурайшдан қандай озору синовларга, қандай зулму ситамларга учраган бўлсалар, у ҳам ҳаммасини бошдан кечирди. Аммо буларнинг бирортаси унинг азм-қарорини синдиrolмади, қаддини буқолмади, имонини заифлаштиrolмади. Билъакс, бу билан у Аллоҳнинг динини янада маҳкам ушлайдиган, Аллоҳнинг Китобини янада мукаммал тушунадиган, Аллоҳнинг шариатини фикҳий жиҳатдан англайдиган ва Росулуллоҳ ﷺ нинг ёнларига янада қўп борадиган бўлди. Дарҳақиқат, ул зотнинг олдиларига тез-тез бориб, Қуръони Каримни ёдлашга бўлган ҳарислиги шу даражага етдики, бирор фурсатни топди дегунча, уни ғанимат билди, ҳар қандай имкониятни кўрди дегунча, ундан фойдаланмай қолмади. Баъзан шундай бўлардики, Росулуллоҳ ﷺ дан таълим олиш ва Қуръони Каримни ёдлашдаги ўз насибасини олиш билан кифояланмасдан ҳатто бошқаларнинг ҳам бу борадаги насибасини олишга ўчлик қиласарди...

У пайтда Росулуллоҳ ﷺ Қурайш зодагонларини тинимсиз курашга чорлаб, Исломга киришларига қаттиқ ҳаракат қиласар эдилар. Кунларнинг бирида Росулуллоҳ ﷺ Утба ибн Робиа, унинг

акаси Шиба ибн Робиа, Амр ибн Хишом (яъни Абу Жаҳл), Умайя ибн Холф, Сайфуллоҳ Холиднинг отаси Валид ибн Мугира каби қурайшлик зодагонлар билан учрашиб, улар билан муноқаша қилишга, яқиндан сұхбатлашишга ва уларни Исломни қабул қилишга даъват қилишга киришдилар. Зора, даъватимни қабул қилишса ёки ҳеч бўлмаса, асҳобларига озор беришдан тийилишса, дея умид қилдилар. Ана шундай бир ҳолатда турғанларида, ул зот олдиларига Абдуллоҳ ибн Умму Мактум келади ва Аллоҳнинг Китобидан бирор оят тиловат қилиб беришларини сўраб, «Ё Росуаллоҳ, Аллоҳ сизга берган таълимдан менга ҳам беринг», дейди. Шунда Росууллоҳ үндан юз буриб, қош чимирдилар ва ўша қурайшлик зодагонлар томонга юрдилар, азбаройи, даъватни қабул қилишар ва Исломга киришлари билан Аллоҳнинг дини куч-кудратга тўлиб, Росулининг даъватини қўллаб-қувватлашар, деган умидда шундай қилдилар. Росууллоҳ үлар билан гаплашиб, сұхбатларини тамомлаб, ўз аҳлига қайтиб кетишлари биланоқ, Аллоҳ ул зотнинг кўзларини қоронгулаштирида ва бошларида оғриқ сездилар... Кейин Росууллоҳ ғана Аллоҳ Таолонинг ушбу каломи нозил бўлди:

﴿ عَبَسَ وَتَوَّلَ أَنْ جَاءُهُ الْأَعْمَى ۚ وَمَا يُدْرِيكَ لَعَلَّهُ يَزْكُرُ فَيَنْفَعُهُ الْذِكْرُى أَمَّا مَنِ اسْتَغْنَى ۖ فَأَنْتَ لَهُ تَصَدَّى ۚ وَمَا عَلَيْكَ أَلَا يَزْكُرُ ۖ وَأَمَّا مَنْ جَاءَكَ يَسْعَى ۖ وَهُوَ تَخْشَى ۖ فَأَنْتَ عَنْهُ تَاهَى ۖ كَلَّا إِنَّهَا تَذَكِّرُهُ ۚ فَمَنْ شَاءَ ذَكَرَهُ فِي صُحْفٍ مُّكَرَّمَةٍ ۚ مَرْفُوعَةٍ مُّطَهَّرَةٍ ۚ بِأَيْدِي سَفَرَةٍ ۚ كَرَامَ بَرَّةٍ ۚ ﴾

«1-2. У (пайгамбар алайҳис-салом) ўзининг олдига кўзи ожиз киши келгани учун қош чимирди ва (ундан) юз ўгириди. 3. (Эй Мұхаммад), сиз қаердан билурсиз, эҳтимол у (сиздан ўрганадиган илму маърифати ёрдамида ўз гуноҳларидан) покланар. 4. Ёки панд-насиҳат олар-да, сўнг бу панд-насиҳат унга фойда берар?! 5. Энди (ўз мол-мулки билан имондан) истигно қилиб турған кимсага келсак, 6. Бас, сиз ўшанга иқбол қилиб — юзланмоқдасиз! 7. Ҳолбуки у (ўзининг куфридан) покланмаслиги сабабли сизга бирон зиён етмас! 8-9. Энди (Аллоҳдан) қўрққан ҳолида олдингизга югурниб-елиб келган зотга келсак. 10. Бас, сиз ундан чалгиб-юз ўгириб олмоқдасиз! 11. Йўқ, (сиз асло бундай қилманг)! Албатта (Қуръон оятлари) бир панд-насиҳатдир. 12. Бас, ким хоҳласа ундан панд-насиҳат олур. 13-14. (У оятлар

Аллоҳ наздида) азизу-мукаррам, қадри баланд, покиза саҳифаларга; 15-16. Улуг, итоатли мирзолар (яъни фаришталар) кўллари билан (Лавҳул-Маҳфуздан кўчириб битилгандир)»

[Абаса 1-16]

Аллоҳ Таоло буғунгача ҳануз тиловат қилиб келинаётган ва то Аллоҳ ер юзи ва ундаги инсонларни мерос қилиб олгунига қадар тиловат қилинишда давом этадиган ушбу ўн олтида оятни Абдуллоҳ ибн Умму Мактум сабабли Аллоҳ Росул нинг қалбларига нозил қилди. Ўша кундан бошлаб, суюкли Пайғамбаримиз Абдуллоҳ ибн Умму Мактум келса, ҳурматини жойига қўядиган, ўтирмақчи бўлса, ўзига яқин ўтқазадиган, ҳолахволини сўраб, ҳожатини чиқарадиган бўлдилар. Бунинг ажабланарли ери йўқ. Ахир, шу инсонни деб, етти само устидан қаттиқ ва аччиқ дашномлар емадиларми??

Курайшнинг Росулуллоҳ билан мўминларга қилаётган озорлари жуда кучайиб кетиб, Аллоҳ мусулмонларга ҳижрат қилишга изн бергач, Абдуллоҳ ибн Умму Мактум юртини ташлаб, динини олиб қочишига шошилган қавм орасида энг биринчилардан бўлди. Ўшанда Росулуллоҳнинг асҳоблари ичиди биринчи бўлиб, Мадина га кетган Абдуллоҳ ибн Умму Мактум билан Мусаъб ибн Умайр бўлди. Ҳа, Исломга биринчи кирганлардан бири бўлган ва Макка ташқарисига у ҳақда биринчи бўлиб хушхабар етган, сўнг Уҳуд жангига шаҳид бўлган Мусаъб билан Абдуллоҳ ибн Умму Мактум, Ясрив аҳлига қўшилиб кетдилар ва уларга Қуръон тиловат қилиб беришга, Аллоҳнинг динидан таълим беришга киришдилар. Росулулоҳ Мадина га келгач, Абдуллоҳ ибн Умму Мактум билан Билол ибн Рабоҳни мусулмонларга ҳар куни беш вақт тавҳид калимасини барадла айтадиган, беш вақт уларни энг яхши амалга чақириб, најотга даъват қиладиган муаззин қилиб тайинладилар... Баъзан Билол аzon айтар, Абдуллоҳ ибн Умму Мактум эса, такбир айтар, баъзан Абдуллоҳ ибн Умму Мактум аzon айтса, Билол такбир айтарди. Айниқса, бу икки муаззин учун Рамазонда бошқача бўлди. Чунки Мадина мусулмонлари улардан бирининг азони билан саҳарликка турсалар, иккинчи азони билан оғиз беркитардилар. Билол тунда аzon айтиб, одамларни саҳарликка уйғотса, Абдуллоҳ ибн Умму Мактум бомдод бўлишини кузатиб борар ва қидириб топарди, ҳеч хато қилмасди.

Пайғамбаримиз Абдуллоҳ ибн Умму Мактумни ҳурмат қилиши шу даражага етдики, кўп марта уни ўзининг ўрнига Мадина га раҳбар қилиб қолдирдилар. Масалан, бир марта Мakkани фатҳ қилиш учун кетаётиб, шундай қилганлар.

Бадр ғазоти ортидан Аллоҳ Таоло Росули ﷺ га мужоҳидлар шаънини кўтариш ва уларни ғазотга чиқмаганлардан афзал эканликларини билдириш тўғрисида Қуръондан оят нозил қилди. Бу мужоҳидларга ғайрат бағишлиш ва ғазотга чиқмаганларни эса, ғазотга чиқмасликдан афсуслантиришга қаратилган оят эди. Ушбу оят Абдуллоҳ ибн Умму Мактум қалбига таъсир қилди ва ушбу фазлдан маҳрум қолиш оғир ботди. У «Ё Росулллах, агар жиход қила олсан, албатта жиходга чиқаман», деди. Сўнг тақволи қалб ила Аллоҳга дуо қилиб, ўзи ва жиходга чиқолмаган бошқа ногиронлар ҳақида Қуръонда оят нозил қилишини сўради. «Аллоҳим, узримга барҳам бер, узримга барҳам бер», дея ёлворди. Ҳеч қанча фурсат ўтмаёқ, карами кенг Аллоҳ унинг дуосини ижобат айлади.

Росулллоҳ ﷺning ваҳи ёзувчиси Зайд ибн Собит ҳикоя қилади: Мен Росулллоҳ ﷺning олдиларида эдим, ул зот хушини йўқотдилар ва сонлари соним устига тушди... Росулллоҳ ﷺning сонлари жуда-жуда оғир эди... Кейин ваҳининг шиддати ва оғирлигидан Росулллоҳ хушларига келиб, «Эй Зайд, ёзинг», дея қуидаги каломни айтдилар, мен уни

«لَا يَسْتَوِي الْقَاعِدُونَ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُجَاهِدُونَ فِي سَبِيلِ اللهِ»

«Мўминлардан (жиходга чиқмай) ўтириб олган кишилар билан Аллоҳ йўлида мол ва жонлари или қурашган зотлар баробар бўлмайди», дея ёздим. Шунда Абдуллоҳ ибн Умму Мактум ўрнидан туриб, «Ё Росулллоҳ, жиход қилишга қодир бўлмаганлар нима бўлади», деди. У гапини тугатиб-тугатмай, яна Росулллоҳ ﷺ хушини йўқотдилар ва сонлари соним устига тушди... унинг сонлари жуда-жуда оғир эди... Кейин ваҳининг шиддати ва оғирлигидан Росулллоҳ хушларига келиб, «Эй Зайд, ёзганингизни ўқинг», дедилар, мен дея ўқиган эдим, غیر (لا يَسْتَوِي الْقَاعِدُونَ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ)

Ўзлари бешикаст бўлиб туриб) каломи нозил бўлди. Яъни,

«لَا يَسْتَوِي الْقَاعِدُونَ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ غَيْرُ أُولَئِكَ الظَّرِيرِ وَالْمُجَاهِدُونَ فِي سَبِيلِ اللهِ»

«Мўминлардан ўзлари бешикаст бўлиб туриб (жиходга чиқмай) ўтириб олган кишилар билан Аллоҳ йўлида мол ва жонлари или қурашган зотлар баробар бўлмайди» [Нисо 95]

Аллоҳ Субҳанаҳу Абдуллоҳ ибн Умму Мактум ва унинг сингари инсонларни жиход қилишдан маъзур этган бўлса-да, бироқ у жиходга каттиқ интилиб, қалби ўтириб олганлар сафида



бўлишни истамади ва Аллоҳ йўлида жиҳод қилишга қарор қилди. Чунки олийхиммат диллар, фақат олий ишлар билан қаноатланади. Шунинг учун ўша кундан бошлаб Абдуллоҳ ибн Умму Мактум қаттиқ туриб, ҳеч бир ғазотни ўтказиб юбормади ва жангоҳларда ўзига алоҳида вазифа белгилаб олди. Масалан, у доим «Мени сафга қўйиб, қўлимга байроқ тутқазиб қўйинг, уни юкори қўтариб, маҳкам сақлаб турай, чунки мендек бир кўзи ожиз, орқага қочиб кетолмайди», дер эди.

Хижратнинг ўн тўртинчи йили Умар ибн Хаттоб форсларга қарши жанг қилиш ва уларнинг давлатларини ўзгартириб, мамлакатларини йўқ қилишга, мусулмонлар қўшини олдини очишга азм қилди. Ўзининг барча омилларига «орангиздан ҳар бир қуроли бор ёки оти бор ёхуд мард бўлган ёки фикрга эга киши бўлса, қолдирмай менга рўпара қилинг, ғазотга шошилинг, ғазотга шошилинг», деди.

Форук мурожаатига барча мусулмонлар лаббай дея, дунёнинг ҳар четидан оқиб келди. Ўшанда улар орасида кўзлари бутунлай қўрмайдиган Абдуллоҳ ибн Умму Мактум бор эди... Форук ушбу йирик қўшинга Саъд ибн Абу Ваққосни амир қилди унга васиятлар қилиб, видолашди. Қўшин Қодисияга етиб келганда совут кийган, мукаммал тайёрланган ва мусулмонлар байроғини қўтариб, уни ё сақлаб туриш ёки унинг йўлида ҳалок бўлишга қатъий қарор қилган Абдуллоҳ ибн Умму Мактум намоён бўлди.

Икки қўшин ўртасида уч кун шиддатли жанг бўлди, томонлар ўртасидаги бу уруш фатҳлар тарихида мисли кўрилмаган эди... Ва ниҳоят учинчи кун мусулмонлар нусрат қучиб, давлатлар ичida энг кучли давлатни йўқ қилдилар, тахтлар ичida энг буюги ағдарилди, бутпастлар замини узра тавҳид байроғи ҳилпиради... Бу очиқ нусрат юзлаб шаҳидлар эвазига келди ва улар орасида Абдуллоҳ ибн Умму Мактум ҳам бор эди... Уни мусулмонлар байроғини маҳкам қучоқлаган ва қонига беланиб ётган ҳолида топдилар. □

«ИСРОИЛ» АСАДНИНГ ЖЎЛОНГА ҚАЙТИШИ ХАВФСИЗЛИГИМИЗНИНГ ҚАЙТИШИДИР, ДЕЯ ХУРСАНД БЎЛМОҚДА

Сурия режими ва иттифоқчиларининг жанубда хужум олиб бориши ортидан, жорий йилнинг апрелида «Исроил» бош вазири босиб олинган Жўлон тепалигига хотини билан бирга анъанавий саёҳат уюштириди. Бу саёҳатни «исроиллик»лар Башар Асаднинг Жўлондаги ўт очиш тўхтатилган худудларни назорат остига олиши «хушхабар»и сифатида нишонлашди. Кейин «исроиллик» мансабдор шахслар ўз баёнотларида Асад режимининг Жўлондаги ҳарбий харакатларни қайта тизгинлаб олиши тўғрисида башорат бера бошлашди:

— «Исроил» мудофаа вазири Авигдор Либерман баёноти: «Исроил билан Россия яқдил ҳаракат қилиши ортидан Суриядаги вазият аввалги вазиятга қайтди. Фикримизча, вазият фукаролар урушидан олдинги вазиятга қайтмоқда. Бу эса, Сурияда мурожаат қилиш мумкин бўлган жиҳат ва масъул шахс, марказий бошқарув бор, деганинг англатади. Мен Асад ҳам шундай фикрда, дея ишонманам».

— «Бутун «исроиллик» зобитлар «Исроил»да чиқадиган «Гаарец» газетасида бир хил мазмунда интервью беришиди. Уларга кўра, Асад режими кучларининг Сурия жанубида жойлашиши «Исроил» учун куткарув чамбараги бўлиб, истаган киши бу чегара худудига келиши мумкин. Бу билан босқинчилар давлати Жўлонга Сурия қўзғолонидан олдинги вактдагидек хотиржам қайтишиш мумкинлигига умид килмоқда. Уларнинг таъбири билан айтганда, «Бу Исроилнинг ғоят тинч жабхаси» эмиш.

— «Исроил»даги энг катта икки университетнинг бири саналган «Бар-Илан» университетига қарашли «Бегин–Садат» стратегик тадқиқотлар маркази хисоботида бундай дейилади: «Башар Асад ўзининг, режимининг ҳамда Алавийларнинг манфати «Исроил»ни дарғазаб қиласиган ҳар қандай ҳаракатдан сакланишини тақозо қилишини яхши билади. Бу эса, уни Жўлон ва Сурия жанубидаги тинчликни сақлашга қаттиқ ҳаракат қилишга унрайди».

Ўз навбатида, Россия ҳам биз Суриядаги факат режим кучларининг жойлашуви учун ҳаракат қиляпмиз, дея «Исроил»ни хотиржам қилди. Масалан, Россия ҳарбий полицияси кучлари кўмандони ўринбосари Виктор Зайцев бундай баёнот берди:

— «Бу худудда ҳилпираётган Россия байроғи тинчлик тарафдори бўлган аҳолини бу юртда абадий тинчликка эришишларини кафолатлади».

— Сурия режимига келсак, иш шу даражага етдики, босқинчи яхудийлар билан Қантария йўлагини кўлга киритиши сари ҳаракат бошлади. Бу улар билан тузилган битимга мувоғиқ бўлиб, айни битим Жўлондаги суряяликларнинг айни йўлак орқали Сурияга ўтишларини, бунга «Қизил хоч» ташкилоти мутасаддиллик қилишини кафолатлади. Шу билан бирга, режимдаги мансабдор шахслар БМТГа қарашли Тинчликпарвар кучларининг Жўлонга ҳамда 1974 йилда имзоланган «тўқнашувни бартараф қилиш» шартномаси асосида Сурия билан «Исроил» худудига қайта жойлаштиришга доир келишув механизмини ишлаб чиқишини муҳокама қилишди.

Ал-Ваъй: Ҳа, «Исроил» ота-ўғил Асадларнинг Жўлон тепалигидаги чегаралар хавфсизлиги ва тинчлигини сақлашга қанчалар гайратли эканини яхши билади. Андак сиёсий тушунчаси бор ҳар қандай кишига бу ҳақиқат сир эмас экан, анави Эрон режими ва унинг гумашталарига нега ҳам сир бўлсин. Ахир, улар илмонийларнинг сўнгги суюнган тоги саналган Асадга ёрдам бериб ётишибди?! Буни Асаднинг ўзи ҳам ҳаммага маълум эканини айтди. Балки, бу кимсаннинг малайлиги америкача, орзулари эронча, шиори «терроризмга қарши кураш» бўлиб, Исломга қарши ушбу жангда унга бутун куфр давлатлари ёрдам бермоқда. □

ФРАНЦИЯДАГИ МАКТАБЛАРДА АРАБ ТИЛИ ДАРСЛИГИ ҮҚИТИЛИШИ ОРТИДА НИМА ЁТИБДИ?!

— Франциядаги мусулмонлар исломофобия, деган нарсанинг ривожланиши сабабли ҳам халқ томонидан, ҳам расмийлар томонидан босим остида қолишиди. Масалан, Франция Тълим вазири Мишел Бланкер «экстремистик ислом», деган нарсага қарши кураш мақсадида умумтағым масканларида араб тили үқитиши тақлифини қўллаб-кувватлашини билдириди. Кўриниб турибдики, Париждаги Ментени номидаги тадқиқотлар институти томонидан қилинган бу араб тили үқитиши тақлифи ортида тарбия эмас, балки сиёсий мақсад ётибди. Чунки бу ўз фарзандларига араб тили ва Ислом дини билимларини эгаллашлари учун масжидларга юбораётган Франциядаги араб диаспорасига қаратилган.

— «Мактабларда араб тили үқитишини бошлишимиздан мақсад, масжид ва диний марказлар қўлидан айни ролни тортиб олишдир», дейдай Франция академиги Ҳаким Қаравий. «Экстремистик ислом ясаш» китоби муаллифи бўлган ҳамда қарор чиқарувчи маъмуриятга, хусусан, президент Эммануэль Макронга яқин асли туニслик бу кимса «Араб тилини ўргатиш Францияда экстремистик фикрларни ёйиш учун исломчилар фойдаланаётган куролдир», деба кўшимича қилди.

— «Барчага адолат ва ҳурият учун» ташкилоти асосчиси ҳуқуқбон Ёсири Лавотий Ал-Жазира га берган интервьюсида бу тақлифни танқид қиласар экан, жумладан, «Бу тақлиф мусулмон диаспоранинг ўз динини танимаслиги ва эътиқодига қаттиқ амал қилмаслиги учун масжидларни уларнинг фарзандларидан холи қилиш мақсадида ишлаб чиқилган», деди. Унинг таъкидлашича, Ментени номидаги тадқиқотлар институтининг бу қароридан Франция мусулмонларига нисбатан нафрат кўриниб турибди. Раҳбарлар худди мустамлакачилик даврида бўлганидек, мусулмонларга нисбатан васийлик назарида қараб, уларнинг ўз тартиб-интизомларига эга бўлишларини ва ҳақ-ҳуқуқлари тўла таъминланишини талаб қилишларини исташмайди.

— Бундан бир йилдан зиёд вақт олдин президент Эммануэль Макрон ҳокимиятга келганида «Франциядаги Исломни қайта куриш» ниятида эканини билдирган. Франция ҳукумати жорий йил бошида етмишта ижрони ўз ичига олган «экстремизмдан ҳимояланиш миллий режаси»ни қабул қилди. Ижролардан баъзилари «фундаменталистик фикрлардан масжидлар ва интернетни тозалаш ва Суриядан қайтган францияликлар устидан хавфсизлик назоратини кучайтириш, маърузалари Франция қадрият ва принципларига тўғри келмайдиган имом-хатибларни масжидлардан ҳайдашдан иборат. 2017 йил октябрда Франция парламенти терроризмга қарши курашнинг якуний қонунини қабул қилди. Унда куч ишлатар тизимига экстремизмда айланган шахсларнинг уйларида тинтув ўтказиш ҳуқуқи берилиши, зўравонликка чақириувчи ибодат масканларини ёпиб қўйиш, жамиятга хавф туғдирувчи шахслар эркинлигини чеклаш айтилган.

Ал-Ваъй: Сиёсий Ислом Farb раҳбарлари ҳаловатини бузмоқда. Улар Исломни динни ҳаётдан ажратишга қаратилган ўзларининг йўналишлари бўйича ўргатишга мажбурлаш билан Ислом моҳиятини ўзгартиришга уринишяпти, Ислом аҳкомларининг ўзларидаги шахсий ҳолатлар, деган нарсага чекланишини исташяпти. Аммо Исломни асл моҳияти билан танувчилар динимизнинг ўз шариати ва давлати борлигини яхши биладилар. Аммо бундай кишилар Франция раҳбарлари наздида қарши курашиш ва йўқ қилиш керак бўлган экстремистлардир. Шунинг учун Исломга қарши ҳарбий ҳужумдан бир мунча хавфли бўлган фикрий курашга гувоҳ бўляпмиз. □